

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий-иқтисодёт  
факультети

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”  
кафедраси

5111600- “Миллий ғоя, ма’навият асослари ва  
ҳуқуқ таълими” йўналиши бўйича бакалавр даражасини  
олиш учун

Эшмурзаев Жаҳонгирнинг  
«Амир Темурнинг маънавиятга қўшган ҳиссаси»  
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўрилди ва ҳимояга тавсия  
этилди. “Миллий ғоя, маънавият  
асослари ва ҳуқуқ таълими”  
кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ Р.Ж.Маҳмудов  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2016 йил

Раҳбар: “Миллий ғоя, маънавият  
асослари ва ҳуқуқ таълими”  
кафедра мудири ф.ф.доц

\_\_\_\_\_ Р.Ж.Маҳмудов  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2016 йил

Гулистон - 2016

Битирув малакавий иши Гулистон давлат университетининг 2016 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттецатсия комиссиясининг \_\_\_\_\_-сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва “\_\_\_\_\_”балл билан (\_\_\_\_\_) баҳоланди.

**(аъло, яхши, қониқарли)**

Битирув малакавий иши “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” таълими кафедрасининг 2016 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ – сонли Илмий-услубий кенгаши қарори билан Давлат аттецатсияси комисссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.

**Факултет декани**

**и.ф.д. проф А.Маматов**

Битирув малакавий иши “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” таълими кафедрасининг 2016 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ – сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

**Кафедра мудир**

**ф.ф.н. доц Р.Маҳмудов**

Битирув малакавий иши “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” таълими йўналиши 38-12 гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_ Ж.Эшмурзаев

**Илмий раҳбар**

**ф.ф.н. доц Р.Маҳмудов**

## **Мавзу: Амир Темурнинг маънавиятга қўшган ҳиссаси.**

### **Режа:**

#### **Кириш.**

#### **I БОБ. Мустақиллик ва Амир Темур.**

1.1. Амир Темур қадри-қимматининг қайта тикланиши.

1.2. Амир Темур олий фазилатлар соҳиби.

#### **II БОБ. Амир Темур давлатининг мафкураси.**

2.1. Амир Темур фаолиятида бунёдкорлик ғоялари.

2.2. Амир Темур илм-фан ва маданият, санъат ривожини хомийси.

#### **III БОБ. Адолат, қонун устуворлиги, халқпарварлик Амир Темур бошқарувининг тамойили сифатида.**

3.1. “Темур тузуклари” асарининг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти.

3.2. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз.

3.3. Амир Темур сабоқлари.

#### **Хулоса**

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ

Мазкур битирув малакавий иши жаҳон тарихида муҳим ўринга эга буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ижтимоий –фалсафий қарашлари, маънавияти, шунингдек маънавий-маърифий тараққиётга қўшган ҳиссаларини ўрганишга бағишланган.

**Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллигининг эълон қилиниши ўзбек халқи ва давлатчилигининг кўп асрлик тарихида муҳим воқеа бўлди. Миллий маънавиятимиз ва менталитетимизга асосланган тараққиёт модели ишлаб чиқилди.

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон омилига, яъни комил инсонни тарбиялашга таянар экан, бу ўз навбатида бой ва шонли тарихга эга миллий маънавиятимизни тараққиётга катта ҳисса қўшган аждодларимиз маънавий меросларини ўрганишни долзарб вазифага айлантирди.

Юртбошимиз И.А. Каримов эътироф этганларидек: “Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз”<sup>1</sup>.

Халқимиз маънавий ва маърифий тараққиётига катта ҳисса қўшган аждодларимиз орасида буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг ўрни беқиёсдир. Президент Ислам Каримов Соҳибқироннинг тарихимизда тутган ўрни, ўз даврида юртимизда озодлик ва мустақилликни қўлга киритиш билан бирга марказлашган давлат тузгани, салтанат бошқарувини адолат ва қонунларга асосланиб ташкиллаштиргани, илм-фан равнақига катта таъсир кўрсатгани ҳамда бошқа хизматлари ҳақида кўп маротаба алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан: «Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. 7-бет.

Истилочиларга қакшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди.

Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган кудратли салтанат тузди»<sup>1</sup>, - дея урғу берди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг шахси, унинг бой ижтимоий-фалсафий карашлари, ибратли умри, бой маънавияти ва халқимиз маънавий – маърифий тараққиётига қўшган ҳиссаларини ўрганиш бениҳоя катта аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида фуқароларда миллий ғурурни мустаҳкамлаб, миллий ғоя атрофидаги жипсликни янада мустаҳкамлайди. Ёшларимизнинг Амир Темур ва у бошқарган давлат ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиради ва бойитади, уларда улуғ аждодимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада оширади.

«Бизнинг бугунги асосий вазифамиз, - деб ёзади И.А. Каримов, - шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, таржима қилишимиз халқимизга келгуси авлодимизга бизнинг фахру, ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак<sup>2</sup>».

Миллий ғурур ва миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихни қайта тиклаш лозим. Амир Темур миллий маънавиятимиз тараққиётига беқиёс катта ҳисса қўшган буюк шахслардан. Буюк аждодимиздаги ватанпарварлик, халқпарварлик, бунёдкорлик, илм аҳлига ҳомийлик, ислом арконларига садоқат, адолатпарварлик каби намунали жиҳатларни ёш авлод қалбига сингдириш ўз навбатида Амир Темур маънавиятини ўрганишни талаб этади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Амир Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 78-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 5-бет..

### **Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.**

**Мавзунинг асосий мақсади,** Амир Темур маънавияти, ижтимоий-фалсафий қарашлари, миллий маънавиятимиз тараққиётига қўшган хиссасини ўрганиш, ҳар бир бўлим ва боблар юзасидан муҳим хулосалар чиқариш ҳамда уларни умумлаштиришиш. Мазкур мақсаддан қуйидаги энг муҳим вазифалар келиб чиқади:

- Амир Темур маънавияти ва маънавий тамойилларга асосланган ислохотларга оид асосий манбаларини таҳлил қилиш;
- Соҳибқирон маънавиятининг тарихий-тарбиявий аҳамиятини ёритиб бериш;
- Соҳибқирон давридаги маънавий-маърифий тараққиётнинг тарихий аҳамиятига баҳо бериш;
- Ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда Амир Темур ўғитларининг аҳамиятини ўрганиш;

### **Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.**

Мавзуга тааллуқли адабиётларни илмий хусусиятига қараб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги адабиётларга бевосита Амир Темур билан бир даврда яшаб ижод этган муаррихлар томонидан яратилган манбаларни киритиш мумкин. Яъни, Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. (Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-2 китоблар. Араб тилидан У.Уватов таржимаси. – Т.: “Меҳнат”, 1992; Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфар. Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н.Иброҳимов. Т.: “Шарқ”, 2012; Амир Темур Кўрагон. Зафар йўли (Таржимаи ҳол). Нашрга тайёрловчи Ашраф Аҳмад – Т.: “Нур”, 1992. Бундан ташқари Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Руи Гонсаллес Де Клавихонинг “Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат” кундалиги, Хофиз Абрунинг “Зайли Зафарнома” каби асарларидир.

Юқоридаги асосий манбалар негизида Амир Темур маънавияти ва миллий маънавиятимиз тараққиётида Темур маънавиятининг тарихий аҳамияти борасидаги тадқиқотлар яратилди. Иккинчи гуруҳдаги адабиётларга кўриб чиқилаётган даврда ёзилган манбалар асосида совет даври ва мустақиллик йилларида яратилган тарихий асарларни киритиш мумкин. Бунга биринчилар қаторида Президентимиз томонидан яратилган асарлар, Амир Темур билан боғлиқ маълум саналарда қилган нутқларини киритиш мумкин: Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т.: “Ўзбекистон”, 1996; Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 9 апрель; Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти. “Халқ сўзи”, 2014 йил, 16 май.

Шунингдек, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Ҳалим Бобоев Амир Темур ва темурийлар давридаги сиёсий - ҳуқуқий таълимотлар тарихини тадқиқ этди. У ўз тадқиқотида давлатни идора қилиш тадбирлари, кенгашлари, вазирлар ва амирларни жой-жойига қўйиш, мамлакатни идора қилиш, сипоҳ, Амир Темурнинг қарашлари, давлат функциялари ва бошқаларга тўхталиб ўтган. Ҳ. Бобоев асосан мавзунинг ҳуқуқий асосларини очиқ беришга интилан, бизнинг тадқиқот эса ижтимоий-сиёсий йўналишда олиб борилган ва ҳар икки ишда қўйилган масалалар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Истиқлол йилларида Темур маънавиятини кенг қамровли таҳлил қилган тадқиқотлар қуйдагилар:

1.И. Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Иккинчи нашр.Т. Фан. 1993.

2.Ҳамид Зиёев. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг қулаши. Т. Маънавият. 2008.

3.Мухаммад Али. Амир Темур солномаси. Т. Алишер Навоий . 2008.

4.Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Т.Ғафур Ғулом. 1996. (мақолалар тўплами.)

5.Амир Темур сабоқлари. “Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари” мавзусидаги анжуман материаллари ва бошқа шу каби анжуманлар.

### **Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Битирув малакавий ишида келтирилган маълумотлар ва хулосалардан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, ўрта махсус касб-хунар коллежларида ўтиладиган тарих фани дарсларида, ўлка тарихини ўрганишда, университетлардаги ижтимоий-гуманитар факультетларда махсус курс маърузаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

### **Ишнинг илмий янгилиги.**

Ёзма манбалар, хориж адабиётлари ва бошқа маълумотларни таҳлилий ўрганган ҳолда энг сўнгги тадқиқотларга суянган ҳолда Амир Темурнинг Маънавиятга , маърифатга қўшган хиссаси очиқ бериш тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

### **Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.**

Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

### **Битирув малакавий ишидан келиб чиққадиган методик тавсиялар.**

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Амир Темур маънавияти ва сабоқларининг ўрни беқиёс. Маънавият сабоқларини ёш авлод маънавиятининг асосий хислатларига айлантириш Миллий ғоя, Тарих, Маънавият, Адабиёт фани ўқитувчиларига Темур маънавияти ва миллий маънавий тараққиётда Амир Темур маънавий жасоратининг ўрнини дарс жараёни ва маънавий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т.: “Ўзбекистон”, 1996;  
Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 9 апрель; Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва



мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти. “Халқ сўзи”, 2014 йил, 16 май. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008, И. Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Иккинчи нашр.Т. Фан. 1993, Ҳамид Зиёев. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг қулаши. Т. Маънавият. 2008, Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси. Т. Алишер Навоий . 2008, Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Т.Ғафур Ғулом. 1996. (мақолалар тўплами.) каби тадқиқотлардан фойдаланишни тавсия этаман.

Битирув малакавий иши Университет талабаларига Амир Темур маънавиятига доир маълумотлар олишида ёрдамчи адабиёт сифатида хизмат қилади. Бу ишнинг амалий аҳамиятини янада оширади.

## **I БОБ. Мустақиллик ва Амир Темур.**

### **1.1.Амир Темур кадри-қимматининг қайта тикланиши.**

Сохибқирон Амир Темур шахсияти, унинг серқирра фаолияти ва темурийлар давлати тарихи туганмас, долзарб ҳамда кизиқарли тадқиқотлар каторига киради. Буюк саркарда салкам етти асрдан буён ўзидан кейинги авлодлар учун озодлик ва мустақиллик, журъат ва жасорат, фахр ва ғурур туйғуси бўлиб келмоқда.

Амир Темур нафақат буюк давлат асосчиси, истеъдодли саркарда, қолаверса, юксак маънавият соҳиби бўлганлиги билан ҳам ажралиб туради. Амир Темурнинг маънавий қарашлари «Темур тузуклари»да акс этган. У қайд этган хикматли гаплар ва нақлларнинг ийрақлик ва теранликнинг нақадар юксак чўққиларига етганлигини том маънода ҳис этиш мумкин. Шу боисдан ҳам мухтарам юртбошимиз И.Каримов,-«Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан» деб бежизга таъкидламаганликларини тушуниш мумкин<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканмиз, у ёшлигиданоқ ҳарбий санъатга меҳр қўйганлиги ҳамда уни эгаллашдаги мардлиги, жасорати билан ўз тенгдошларини лол қолдириб келган бўлса, исломий ва дунёвий таълим ва билимни ўрганишда зеҳнининг ўткирлиги, имон-эътиқодининг поклиги билан замондошлари орасида ажралиб турганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг замондоши машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур фаолиятини қанчалик танқидий ўрганмасин «У ёшлигиданоқ ақлли, очиқ кўнгил, журъатли, қатъий кучли ва қобилиятли бўлиб ўсди» деб тан олиб ёзган эди<sup>2</sup>.

Амир Темур маънавиятига хос теранлик мазмунида ахлоқий нафосат, камтарлик, дўстлик, меҳр-мурувватлилик, жасорат ва мардлик,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 9 апрель;

<sup>2</sup> Амир Темур тарихи.1-қисм.Тошкент. «Меҳнат» 1992 йил, 72-бет

ишбилармонлик ва тadbиркорлик каби кўплаб фазилатлар инсоний ақлнинг устувор машъали бўлиб келди. Шунинг учун ҳам бутун жаҳонга машхур буюк давлатни барпо этиш йўлида, у «куч адолатда» дир деган шиорни ўзининг бош мақсади деб билди.

Ўз миллатнинг дардларига дармон бўлиш туйғуси билан яшаган Амир Темур фазилатлари ичида хайр-эҳсон ва меҳр мурувватлик фазилати доимо етакчилик қилиб келди. У ўз салтанатининг ворисларига қолдирган панду-насихатларида,- «Адолат ва инсоф билан тангрини яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим»,- дея уқтирган эдилар.

Амир Темур амал қилган фазилатлар неча асрлар оша ўз кадрини йўқотмай келмоқда. Айниқса, бугунги мустақиллик кунларида мамлакатимиз фуқароларининг маънавиятини шакллантириш ва янада кўркамлаштириш борасида ҳам устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида,- «Ҳомий деганда , ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, кадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз» деб айтган сўзларини ўқирканмиз, айти шу борада ҳам Амир Темур шахси ўзига хос намуна эканлигини яққол тасаввур этиш мумкин.

Шу боисдан ҳам Амир Темурнинг маънавий салоҳиятига хос ҳикматларини бугунги истиқлолимиз ва истиқболимизнинг битмас-туганмас сарчашмалари деб аташ мумкин.

1996 йили мустақиллигимизнинг 5 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари бир-бирига уланиб кетди. Айниқса, 1996 йил мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида Амир Темур

йили кенг нишонланди. 1996 йил декабрда Президент И.Каримов «1996 йилни Амир Темур йили» деб аташ тўғрисида фармон қабул қилди<sup>1</sup>.

Гарчи 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинган бўлса-да аслида бу тўйга тайёргарлик 1993 йили 31 августда улуғ бобокалонимизга бағишланган ҳайкалнинг Тошкент шаҳрида очилиши ва унда Президентимизнинг «Эҳтиром» мавзуида сўзлаган нутқидан бошланган эди. Ана шу санадан эътиборан Президент Ислоҳ Каримов соҳибқироннинг қутлуғ тўйига бағишлаб ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг ташаббускори сифатида ўз-фикр мулоҳазаларини билдира бориб, уларнинг амалга ошишига раҳнамолик қилди, ҳамда мамлакатимизда ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида режалаштирилган тадбирларда мунтазам иштирок этиб келди.

Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйини 1996 йил 21-24 апрель кунлари жаҳон маданияти сарвари Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида нишонланиши, унда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг иштирок этиши мамлакатимиз ва жаҳон маънавий – маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Айниқса, Президент Ислоҳ Каримовнинг 1996 йил апрелда Парижда ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясида «Ўтмишсиз келажак, ҳамкорлик тараққиёт бўлмайди» мавзусида ҳамда ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиши маросимида 1996 йил 24 апрелда сўзлаган нутқлари Амир Темур меросининг дунёвий аҳамиятини яна бир оламга танитди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислоҳ Каримов кўргазманинг очилиши маросимида сўзлаган нутқида Европа ва Осиё давлатлари ўрта асрлардаёқ ўзини ягона жўғрофий-сиёсий маконга тааллуқли эканлигини англата боришида Амир Темурнинг тарихий хизматини алоҳида

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 9 апрель;

<sup>2</sup> И. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент. «Ўзбекистон» 1996 йил 331-339 бетлар

баҳолаб: «Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорчилик билан қарайди.

Тарихда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорик ўрнатилиб, унга «Европанинг ҳалоскорига» деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган. Айти Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатларига чек қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди. «Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб яшнаганини Европада ўйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз» деб алоҳида таъкидладилар<sup>1</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда нишонланиши халқимизнинг маънавий –маданий камол топишида бекиёс аҳамиятга эга бўлди. Муайян муддат тайёргарликдан сўнг диёримизда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейининг нишонланиши 1996 йил 18 октябрда мамлакатимиз пойтахти Тошкентнинг қоқ марказида тонг саҳарда Қуръон тиловат этилиб, улуф бобокалонимизга бағишлаб, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда Амир Темур хотирасига атаб шарқона миллий меъморчиликнинг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилишидан бошланди. Маросимда минг-минглаб кишилар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар, ҳорижий элчихоналар ва ваколатхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлишди.

Миллий удумларимизга кўра Қуръони Каримдан оятлар ўқилди, Соҳибқирон руҳига дуои фотиҳалар қилинди. Бир неча минг кишилик дастурхонга ош тортилди, мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Президент Ислон Каримов йиғилганлар олдида «Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир» мавзуида катта нутқ сўзлади.

---

<sup>1</sup> И. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент. «Ўзбекистон» 1996 йил 342- бет.

Юртбошимиз ўз нутқида мухташам музейнинг қисқа вақт ичида қуриб битказилгани ва ноёб тарихий экспонатлар билан жиҳозлангани бобокалономизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги ўлкан воқеа эканлигини алоҳида қайд этди.

Улуғ аждодимиз руҳини хотирлаш Соҳибқирон тақдири, унинг безовта беором кунлари, буюк орзулари, армон-изтиробларига гувоҳ муқаддас маскан-темурийлар давлатининг пойтахти Самарқанда алоҳида шукуҳ ва жозиба касб этди. Миллатни миллат, давлатни давлат қилган Амир Темур даҳолик қудратининг рамзи, унинг беқиёс ифодаси бўлган кўҳна ва табаррук Самарқанд аҳли Соҳибқирон юбилейига тайёргарлик жараёнида шаҳардаги ўнлаб тарихий обидаларни, осори- атиқаларни таъмирладилар, уларни қайта тикладилар, бобомиз номи билан боғлиқ кадамжоларни обод этдилар, янги иншоотлар кўрилди, кўркам боғлар барпо қилинди. Айниқса шаҳар марказидаги кўркам Амир Темур майдонида унинг ҳайкалининг ўрнатилиши Самарқанд сайқалига сайқал кўшди. 1996 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти темурийлар давлатининг пойтахти сифатида жаҳон илму фани, маданияти ва меъморчилик санъатининг ривожланишига ҳамда давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва шаҳар аҳлининг ўзбек халқи тарихий ва маънавий меросини кўп асрлар мобайнида авайлаб-асраб, жаҳонга машҳур этишдаги ғоят катта хизматларини эътиборга олиб, мустақил мамлакатимизда туб ислоҳотларни амалга ошириш, унинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги фаол иштироки учун ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида фармонга имзо чекди<sup>1</sup>.

1996 йил 18 октябрда ўша тантанали кунларда давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрига Амир Темур орденини топширди ҳамда шаҳар

---

<sup>1</sup> Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996, 6-бет.

аҳлини мукофот билан қутлаб, Соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли орден топширилиши рамзий маънога эга тарихий воқеа эканлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу унутилмас кун - 18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон этишни таклиф қилди. Йиғилганлар бу таклифни мамнуният билан қарши олдилар.

Президентимиз 2005 йилнинг июнь ойида Қашқадарёга сафари чоғида Қарши шаҳар юбилейига тайёргарликнинг бориши билан танишиб чиқди. Юбилей муносабати бир вақтлар ўзи ишлаган Қаршининг янада кўркам ва обод бўлишини орзу қилган юртбошимиз 2005 йилнинг 26 июлида «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу билан бирга қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат хиссини янада кўчайтириш мақсадида бир қатор кўшимча чора –тадбирлар белгиланди. Қарорда 2006 йилда буюк давлат арбоби ва ўлкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлишини инобатга олиб, бу санани нишонлаш бўйича ҳам тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши алоҳида қайд этиб ўтилди.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, Амир Темур бобомизнинг салоҳиятига хос маънавият сарчашмалари битмас туганмасдир, мангуликка даҳлдордир.

## 1.2.Амир Темур олий фазилатлар соҳиби.

Тарихда подшолар кўп бўлган. Бироқ уларнинг ҳаммасининг номига «Буюк» атамаси қўлланилавермайди. Буюк хукмдорлар тараққийпарварлиги, халқпарварлиги, илм-фан, маърифатга ҳомийлиги, жаҳон тарихида ўчмас из қолдириши, шунингдек ўзларининг юксак фазилатлари билан жаҳон тарихида ўчмас из қолдиришган. Манна шундай буюклардан бири улуғ аждодимиз, мусулмон Шарқида улкан салтанатга асос солган Соҳибқирон Амир Темурдир.

Улуғ бобомиз Амир Темур кўхна Шаҳрисабзга қарашли Хўжаилғор қишлоғида 1336 йил 9-апрел куни туғилган. Отаси Тарағай Баҳодир Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан ўртаҳол беклардан бўлиб, Чигатой хонларидан бўлган Қозонхон (1338-1346) лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим эса Бухоролик машҳур фақиҳ Тож аш-шариа (шариат тожи) тахаллуси билан машҳур бўлган Убайдулла ибн Маъсуднинг қизи эди.

Тарихчи олим Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича ўша замонларда хонзода, шаҳзода ва бекзодалар ёшлигидан махсус устозлар томонидан от чопиш, ҳарбий илмларни ўрганиш, ов, салтанат тебратиш, яъни амалдорларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиш, ҳукумат ишларини юритиш, фуқороларнинг арз-шикоятларини эшитиш ва ҳукм чиқариш каби билимларни ўрганганлар. Бунга «Сулук ул-мулк» («Подшоларга қўлланма»), «Тузуқлар» ва бошқа бизгача етиб келган асарлар гувоҳлик беради.

Демак, албатта, Темур ҳам ёшлигидан шу илмларни касб этган. Тарихий китобларда, манбаларда Темур 7 ёшидан Қуръонни ёд билган, 12 ёшида болаларча ўйинлардан орланадиган, 16-18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва ов қилиш санъатини моҳир эгаллаганлиги ва 20 ёшида абжир чавондоз бўлиб етишганлиги таъкидланади. Амир Темур ўзининг кейинчалик қўлга киритган барча зафарларини пиру устозлари Мулла Алибек, Шайх



Шамсуддин Кулол, Шайх Зайниддин Абу Бакр Таёбодий ва Мир Саййид Барака номлари билан боғлаган эди<sup>1</sup>.

«Насабнома» асарида ва Амир Темурга бағишланган тарихий китобларда унинг шажарасини Нух пайғамбар ва унинг авлоди Туркхонга (Ёфас ўғлонга) боғлайдилар. «Насабнома»да ва тарихий китобларда, масалан, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида: «Туминахоннинг эгизак ўғиллари бўлган. Биринчисини исми Қобилхон, иккинчисини Кочули баҳодир». Чингизхон ҳам Темурбек каби Туркхон (Ёфас ўғлон) нинг авлоди, иккинчидан, унинг онаси турк-найман қабиласига мансуб бўлган. Бир эски тарихий китобда ўқиганим бор. Унда Чингизхонни кўк кўз мўғул деб аташган. У оқ юзли ва кўзи кўк одам бўлган экан. Хитой солномаларида айтилишича, ҳозирда машҳур Хитой деворининг шимол тарафида қадимда истиқомат қилган халқлар «кўк турклар» деб аталган.<sup>2</sup>

Лекин «Насабнома» лар ва шажаралар ҳамда вақт ҳам ишончли манба бўлолмайдилар, чунки тарихчилар ўз подшоларини илоҳийлаштириш мақсадида шундай қилганлар. Масалан, Амир Темурнинг аждоди аслида ҳарбий кишилар бўлганлар. Качули баҳодир, Суғу Чечан, Қорачор нўён ва бошқалар. Чингизхон ва унинг ворислари замонида кўшинга қўмондонлик қилиб ўтганлар.

Темурбекнинг болалиги ва ёшлиги қандай кечганлиги ҳақида ўша замонларда ёзилган китобларда аниқ маълумот йўқ. Лекин бизда қадимдан хонзодалар, шаҳзодалар ва бекзодаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилгани маълум. Уларга тўрт ёшидан бошлаб таълим бериш бошланган. Уларга шу ёшдан бошлаб хат-саводини чиқарувчи муаллимлар ва хотираси ва фикрлаш салоҳиятини оширувчи махсус қиссахонлар бириктирилган. Ўйлаймизки, Тарағай Баҳодир бирмунча камбағаллашиб қолганига қарамай, ўғлини ёшлигидан аслзодаларга яраша ўқитган ва ҳар тарафлама билим берган: катта-кичик билан муомала илмини, ов қилиш ва

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари., Т., 2000. 6-бет.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Т.:Шарқ, 2001. 5-б.

харбий илмларни ўргатган, албатта. Фарзандларни ёшлиқдан салтанат тебратиш илмига ҳам ўргатганлар. Бунга ўша замонлардан қолган «Сулук ул-мулук» («Подшоларга қўлланма»), «Тузуқлар» ва бошқа номлар билан етиб келган китоблар гувоҳлик беради. Бу китобларда амалдорларни танлаш ва ўз ўрнига қўйиш, ҳукумат ишларини юритиш, табақаларнинг арз-шикоятларини эшитиш, ҳукм чиқариш каби давлат амалларини адо этиш касби тушунтириб берилган. Темурбек ҳам ёшлиғидан шу илмларни касб этган.

Соҳибқирон Амир Темур бин Тарағай Муҳаммад Баҳодир улуғлигининг асосида унинг маънавий, исломий, тасаввуфий сифатлари туради. Чунки фақат юксак маънавиятли инсонларгина умумхалқ манфаатларини кўзлаб давлат, жамият аҳамиятига молик тадбирларни амалга оширишга қодир бўладилар. Амир Темур ана шундай шарқона исломий ақл-заковатли, маънавиятли, тақводор инсон бўлган.

Муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида фахр ва ифтихор билан “Амир Темур ёшлиқ чоғидан ўткир зехн ва ақлу идорк эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни эгаллади. Қурони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди”<sup>1</sup> деган фикрни билдирган эдилар.

Дарҳақиқат, Амир Темур маънавиятининг исломий асослари Қурони Карим, Ҳадиси шариф, шунингдек, тавҳид, тавсир, фикҳ, тасаввуф, илмларини мазмунида Оллоҳга, Расулуллоҳ Набийи Ҳотамийга мажозий ва ҳаётий пирларига ихлоси, эътиқоди негизида шаклланади, қарор топади. У Нақшбандия таълимоти талаблари асосида янада мустаҳкамланди, ҳаётий мазмун олди. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўзининг бутун онгли ҳаёти давомида ислом динига эътиқод қилди, унинг барча фарз ва суннат рукнларини тақводорлик билан бажарди. Ислом раҳнамоларига, саййидлар, хўжалар, шайхларга самимият билан мауносабатда бўлди. Мустақил

---

<sup>1</sup> Каримов И. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» 1-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” 1996 йил, 198- бет.

Туркистон давлатининг сиёсатини амалга оширишда Қуръон, Ҳадис, шариат талабларига қатъий риоя этиб, зинҳор уларга зид иш қилмади<sup>1</sup>.

XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистонда Нақшбандия таълимоти кенг ёйилди ва у мустақиллик, ватанпарварлик, ижодий меҳнат, фаровон ҳаёт мафкураси сифатида қарор топди. Сиёсий курашлар силсиласида тобланиб, чиниқиб келаётган Темурбек маънавияти нақшбандия ғоялари асосида тўлишди ва ёришди. Нақшбандия таълимотига ихлос қилди ва у эътиқодига айланди. Мазкур таълимот раҳнамолари ҳазрат Мир Кулол, шайх Саййид Барака, Зайниддин Абубакр Тоябодийларнинг кўлини тутди, уларни ўзига маънавий пир деб билди, уларнинг йўл-йўриқлари, кўрсатма ва машваратлари асосида давлатни бошқарди.

Маълумки, Амир Темур ўз фаолиятида ўн икки тамойилга амал қилган ва бизнинг назаримизда, мазкур тамойилларни унинг асосий тарбиявий қоидалари сифатида қабул қилиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўз сўзида туриш;
- 2) Адолатли бўлиш;
- 3) Эркин ҳаракат қилиш;
- 4) Қатиятли бўлиш;
- 5) Ижрочи бўлиш;
- 6) Ўз вазифасини билиш;
- 7) Маслаҳатни ҳуш кўриш ;
- 8) Яхши – ёмонни фарқлаш;
- 9) Саҳоватли бўлиш;
- 10) Аниқ ҳаракат қилиш ;
- 11) Уддабурон бўлиш;
- 12) Ҳушёр бўлиш<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> М. Олтинов “Амир Темур маънавиятининг исломий асослари”, “Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни” мавзудаги конференция материали. Тошкент, “Фан”, 1996 йил, 9-бет.

<sup>2</sup> Амир Темур ўғитлари. –Т.: Ўзбекистон. 2007, 16-б.

Булар ўз навбатида ана шу сифат – фазилатларни эгаллашни ҳам тақозо этади.

Зеро, Амир Темурнинг таълимий ва тарбиявий ғоялари реал хусусиятларга эга эканлиги билан диққатни тортади. У кўп ҳолларда ўз малакаси ва тажрибасидан келиб чиқиб фикрлайди. Шу жиҳатдан унинг қарашларидаги таълим-тарбиявий ғоялар ҳаётий омилларга эга. Мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Амир Темур ўз юришларининг бирида бир қишлоқдан ўтаётган пайтда 80 ёшлар атрофидаги чолнинг кўчат экаётганлигини кўриб тўхтади. Амир Темур навқарларидан бирига чолни чақириб келишни буюради. Чақириб келинган қария одоб билан амирга салом бериб, савол назари билан унга боқади.

Амир Темур қарияга савол беради: “Эй оқсоқол экаётган ниҳолларинг қайси меванинг кўчати эди”.

Қария таъзим қилиб ёнғоқ кўчати экаётганлигини айтади.

Амир Темур сўради: Бу тоғли иқлимда ёнғоқ кўчати неча йилда ҳосилга киради.

Қария 20 йилда ҳосилга киради, деб жавоб беради.

Шунда Амир Темур киноя билан таббасум қилиб қария чолга “Балким унинг мевасидан ҳам умидвордурсан?”

Қарияга қайта таъзим қилиб, эй амирим, боболар эқдилар биз едик. Энди биз ҳам неваралар олдидаги қарзимизни узиб экиб кетсак, мевасини улар ейди. Бу сўз Амир Темурга маъқул келиб хазинадорга буюради. Қарияга бир зарбоп тўн ва беш тилло танга беради. Эҳсонни қабул қилиб олган қария Амир Темурга яна бир бор таъзим қилиб “Эй амирим мана менинг эккан кўчатларим ҳосил берди ва унинг мевасини мен тердим”, деб жавоб беради.

Амир Темур завқланиб кулади ва буюради. Қарияга яна битта зарбоп тўн ва беш тилло танга берилсин.

Чол ўта мамнунлик билан совғани қабул қилиб, Амир Темурга яна бир чиройли таъзим бажо келтиради. “Эй амирим, ҳамманинг эккан дарахт кўчати

бир йилда бир марта ҳосил берса, менинг эккан кўчатларим бир йилда икки марта ҳосил берди ”. Амур Темур бу сўздан яна завқланиб кулади ва қарияга жиддий қараб, фақат ҳеч нарса дема дейди. Кейин яна хозинадорга буюради. Чолга яна битта зарбоп тўн ва еттита тилло танга беринг. У шундай деб отига илдам минади-да жўнаб кетади.


Бундан кўришиб турибдики, Амир Темур жиддий одам бўлиши билан бирга сахий, одамларнинг меҳнатининг қадрини биладиган инсон эканлигини кўриш мумкин.

Амир Темурнинг қарашларидаги тарбиявий ғоялар ҳақида гапирганда уни яхши билган шахсларнинг баҳоларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу борада унинг топшириғи билан “Зафарнома” асарини ёзган Низомиддин Шомийнинг (XIV аср) мана бу фикрлари эътиборни тортади: Амир Темур “Адолатли, энг химматли улуғ амир. . . Унинг адолати сиёсату жазога яқин, қаҳри эса лутфга аралашдир . . . Ҳар бир кишини фазли ва донишманлиги даражасига лойиқ мақомга қўяди. Машойиҳлар ва солиҳ бандаларни улуғлайди, улар билан ҳамсуҳбат ва ҳаммаслак бўлишга рағбат кўрсатади. Ожиз кишилару раиятни, совдагару деҳқонларни муҳофаза этишга рағбат кўрсатади, қонунларга риоя қилиб, адолат расмини бажо келтиради”. Демак, Амир Темур юксак даражада таълим тарбия олган шахслардан биридир<sup>1</sup>.

Бундай юксак баҳо Испания қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо томонидан ҳам берилган. У бир ўринда ёзади: “Темурбекнинг асл исми биз атаганимиздек Темурлан эмас, Темурбекдир чунки Темурбек “уларнинг (туркийларнинг) ўз тилида “Темурподшо” дегани, “подшо” уларнинг тилида “Бек” дейилади”. Клавихо фикрида давом этиб дейди : “Самарқанд шаҳрида адолатга амал қилинади. Ҳеч ким подшоҳдан (Амир Темурдан) беизн бировга озор етказиш ёки зўровонлик қилишга журъат эта олмайди... Унинг муҳрига “Росту-русту” (куч-адолатдадир) деган сўз ёзилган бўлиб, ўртасига қуйидагича жойлаштирилган бодом шаклидаги уч белги қиёс этилган:

---

<sup>1</sup> Ҳ. Зиёев. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. Т. Маънавият. 2008, 31- бет.



Бундай шахснинг юксак даражада ғояларга эга бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас”. Ғарб айғоқчиси епископ Ионанн Гринлонинг фикри билан айтадиган бўлсак: «Амир Темур илму Қуръон ва илму фикҳда шунчалик забардаст эдики, у билан ҳар қанақа мусулмон олими бу мавзуда беллаша олмаган», - деб ҳақиқатни ёзиб қолдирган эди<sup>1</sup>. Унинг бутун фаолияти давлатчилик салоҳияти, ҳарбий иқтидорлиги, саркардалиги иктисодий маъмурчиликнинг яратувчиси, исломий тасаввуфчилик ҳақиқатлиги, ижтимоий адолатлиги, адолатсизликка шафқатсизлиги, сотқинга, нодонга бетоқатлиги, жангда қаҳрамонлиги, мардлиги, таъсирчанлиги, оғир ва қийин вазиятларга ўта бардошлилиги ва сабр-тоқатлилиги, фаросатлилиги, фикрлашлилиги, аниқ хулосага эга бўлишлилиги вазиятга аниқ ва тўғри баҳо беришлик каби хислатлари жаҳонга машҳур шахслар қаторидан ўрин эгаллашига сабаб бўлди<sup>2</sup>.

Соҳибқирон Амир Темур жуда катта территорияда (қарийиб 27 мамлакат) ўз салтанатини ўрнатиб, кучли ижтимоий-сиёсий, маънавий ва моддий салоҳият тизимини вужудга келтирди. Кучли давлат, мустаҳкам империя, Марказий Осиёда кўп миллатли мустаҳкам давлатни ташкил этди. Бу муваффақиятни қўлга киритишда у ўзига хос қонун-қоидани, сиёсий, ҳарбий, маъмурий бошқа ишнинг шарқона, туроний принципига асосланган нормативларини ўрнатди. Зўравонлик, зулм, эътиқодсизликка, ёлғончиликка, сотқинлик, ифлосликка қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Ғайри ниятли (душманлик нияти бўлса), Ислом эътиқодига қарши бўлганларга кескин зарба берди. Илму-фан, маданиятни, қадимий меросий қадриятларимизни ривожлантириб, жаҳон цивилизацияси ренессанси даражасига кўтарди. Шу

---

<sup>1</sup> Ш. Аҳадов, Т. Эгамов. Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. СамДУ, 2004 28-бет.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар – Т., 1998, 46-бет.

сабабли унинг номини нафақат Турони-замин халқлари, балки жаҳон халқлари иззат-хурмат ва эҳтиром билан тилга олмоқда.

Амир Темур ўзи яшаган даврнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳолатини чуқур ўзлаштириб, ўзига аниқ мақсадни танлаб олиб, уни хал этиш йўллари аниқлаш фазилатига эга бўлган ягона шахс эди. Амир Темур салтанат соҳиби сифатида ўзининг фаолияти жараёнида Ислом динига садоқат, Муҳаммад Пайғамбар авлодларига, мусулмон дунёсида катта обрў-эътиборга эга бўлган аломаларга хомийлик қилди. Улар эса ўз навбатида ҳамма вақт, ҳамма шароитда Амир Темур сиёсатини қуллаб-қувватлаган, унинг амри фармонларига содиқ бўлган. Унинг ҳар бир ҳарбий юришида дарвишлар, муллалар, саййидлар кўшинлар билан доимо бирга бўлган, жангчиларини ғалабага илоҳий рух сифатида рухлантирган. Тинчлик вақтида, улкаларда ҳам, халқ оммаси ўртасида Амир Темур шахсини турли услублар билан илоҳийлаштиришга, унга тобеъ ва буйсунишга, Оллох иродаси, унинг Ердаги Қуроли деб ҳар бир ҳаракатини Тангри иродаси деб талқин этганлар. Бутун Темур империяси территорияси, Ислом дунёси халқларини ана шу ғояга буйсунишларига Оллох иродаси билан ҳаракат қилганлар. Амир Темурда эса бу мақсадларга монанд кучли қобилият, комил инсон фазилатлари бўлган<sup>1</sup>.

Амир Темур Исломнинг ҳамма эътиқодларига, маросимларига қаттиқ риоя қилар, тоат-ибодатни қанда қилмас, ҳатто жанг олдида ҳам бошқалар билан бирга намоз ўқиш, кечалари якка ўзи тоат-ибодат қилиш, Қуръондан суралар тиловат қилиш билан узлуксиз шуғулланар эди. Бу нафақат жангчиларда, оддий халқда ҳам бу ҳаракат Темурга нисбатан хурмат, ишонч ва мардлик, жанговарлик бағишлар эди. Ислом дунёси уламоларида унга ишонч, итоат этиш, хомий сифатида намоён бўлишга сабаб булар эди. Бундай инсоний фазилатлар ҳаммада бўлавермаган.

---

<sup>1</sup> Н. Ғойибов. Амир Темур давлати сиёсатининг асоси. “Амир Темур сабоқлари” илмий амалий анжуман материаллари. Т. Шарқ, 1999йил, 21 -бет.

Амир Темур нафақат кўшинларга талантли саркарда, лашкарбоши, балки қобилиятли кадрларни танлаш махоратини ўзлаштириб ола олган, янги буйсундирган давлатларни бошқариш, мамлакат ичкарасида давлат маъмуриятини қуйидан юқоригача лаёқатли, содиқ, билимдон, ақлли кишиларни танлай олишни муҳим шарт деб билган ва уни амалга ошира олган шахснинг кимлигини била олиш фазилатли хислатларига эга эди<sup>1</sup>.

Амир Темур фикрича хукмдорга давлатни бошқаришда қуйидаги фазилатлар мужассам бўлишлигини уқтирар эди. Юксак, олижаноб, зийрак ва нозик ақл эгаси бўлган халқ, кўшин билан муомила қила оладиган, сабр-тоқатли, тажрибали шахс вазир, амалдор, раҳбар бўлиши мумкин деб ҳисоблар эди. Бундай фазилатли кишилар халқ оммаси ва салтанат ҳурматига эга бўлади, ундай шахслар раҳбар бўлган салтанат салоҳиятли бўлади дер эди, унга ўзи амал қилар эди ва фарзандлари, невараларини бу фазилатларга эга бўлишлигига ундар эди.

Амир Темур ҳамма соҳага амалдорларни ўзи танлар, синаб кўриб кейин лавозимларга тайинлар эди. Амалдорлардан асосан тўқмижоз диёнатли, инсофли, сабр-тоқатли, халқпарвар, адолатпарвар кишиларни танлар, улар устидан ўзи назорат қилар, топшириқларнинг бажарилиши устидан ўзи назорат қилар ва талаб қилар эди. Бу талабларни сидқу дилдан бажарган раҳбар, амалдор ва хизматчиларни рағбатлантиришни ҳеч унутмас эди. Унда давлат, халқ манфаати йўлида ниҳоятда қаттиққўл, шахсий ҳаётда юксак инсонпарварлик фазилатига эга эди. Шу сабабли у амалдорларни, умуман фуқаро ва кўшинларни ҳам доимо ва узлуксиз умид ва қўрқувдан сақлар эди. Бу Темурнинг севган сиёсати ва давлатни бошқаришдаги ўзига хос қонуний ҳаракати бўлиб давлат қонун-қоидасининг тўла амалда бажарилишини талаб қилар, бажарилмаса нафақат қўрқув, балки даҳшатли услубларни қўллаган. Аммо, давлатга содиқ ҳақиқий ватанпарвар, фуқароларга нафақат умид, балки тўла осойишталик, ижтимоий адолат, ғамхўрлик амалда қўлланилган.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар – Т., 1998, 47-бет.



## **II БОБ. Амир Темур давлатининг мафкураси.**

### **2.1. Амир Темур фаолиятида бунёдкорлик ғоялари.**

Тарихдан маълумки кучли давлатнинг тарихий тараққиётида буюк кучли сиёсий лидерларнинг ўрни бекиёсдир. Кучли лидерлар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик фаолияти жаҳон тарихида муҳим ўрин тутди. Амир Темурнинг мамлакатни мўғул истибдодидан озод этиб, мусулмон Шарқида маънавият ва маърифатга асосланган салтанатни барпо этиши Шарқ ва Ғарб учун ката тарихий аҳамият касб этади. Амир Темур катъий сиёсий ирода билан амалга оширган иқтоъ ва суюрғол мулкчилик, ирода ва бошқариш тизими аста-секин ўз самарадорлигини йўқота бошлаган феодал ишлаб чиқариш усулига янгидан “жон ато қилиб”, янги иқтисодий, маъмурий, ҳарбий-сиёсий кўтарилишни вужудга келтирди. Ўрта Осиё, Туркистондаги ана шу янги иқтисодий, ҳарбий-сиёсий барқарорлик, кўтарилиш инсоният цивилизацияси тараққиёти йўналиши устувор кадриятларини белгилай бошлади.

Мана шу ҳал қилувчи, белгиловчи иқтисодий, ҳарбий-сиёсий салоҳият, иқтидорнинг шаклланишида Амир Темурнинг фавқулодда ақлу-заковати, пўлат иродаси, янги савияга кўтарган ҳарбий-сиёсий маданияти, планетар кўламдаги тафаккури асосий тамал тош ролини ўйнади<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, давлатни қуриш ва бошқариш, халқаро дипломатик муносабатлар, қўшничилик, барқарор ҳамкорлик, сулҳпарварлик сиёсати, ҳақсизликни бартараф этиш мақсадида урушлар олиб бориши, урушларнинг олдини олиш, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги, обод-маъмурилик асослари, қонунчилик, қонун устуворлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, қонуннинг инсонпарварликни рўёбга чиқаришдаги аҳамияти, Ясо, Тузуклар ва Шариатни, барча Қонун тизимларига ҳурмат ва риоят, эътиқодий бағрикенглик, сабр-тоқатлилик ва тезкор ҳаракатчанлик, илмий-маънавий, диний-ориғий кадриятларни юксак

---

<sup>1</sup> Э.Юсупов.Фалсафа: (Ўқув қўлланма). Т.:Шарқ, 1999. -101-102 бетлар.

тутишга оид концепциясини унинг замондошлари ҳам, кейинги давр олимлари ҳам, турли мамлакатлар, айниқса Узоқ Шарқ-Хитой ва Ғарбий Европа (Франция, Испания, Италия) сиёсатчи, элчи ва саёхатчилари, илм-фан, маданият, арбоблари юксак баҳолаганлар. Кўплаб олимлар уни жаҳон цивилизацияси, тарихи, маданиятида янги давр очган, инсоният ижтимоий тараққиётига янги нишонлар, устувор қадриятлар берган фавқуллодда шахс деб баҳолаб келишмоқда (Л.Керен, Исмоил Оға, Б.Ф.Манц, С.Жамалуддин ва бошқалар).

Туркий дунё тарихи, ҳозирги замон тарих илмининг забардаст вакиллари проф. З.В.Тўғон, В.В.Бартольд, А.Якубовский, И.Мўминов ва бошқа олимлар Амир Темурнинг тарихдаги ўрни ва аҳамияти, унинг ижтимоий-сиёсий ва давлат қуриш, бошқариш, қонунчиликка оид қарашларига бир бутун, илмий ҳолис баҳо беришга уринганлар.

Мутахассис олимларнинг фикрларига қараганда, машҳур шайх Баҳоуддин Нақшбандий тариқати Амир Темур даври мафқураси асосини ташкил этган ва у юксак эътибор топганлиги тасодиқий эмас эди. «Дилинг Аллоҳда, қўлинг - меҳнатда бўлсин»,- деган буюк ҳикмат Амир Темур дунёқарашига мос эди<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва марказий давлатнинг барпо этилиши билан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юксалиш бошланди. Амир Темур ҳарбий юришлар вақтида биринчи навбатда деҳқонларни ва уларнинг ер майдонларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилган, аммо ҳар доим ҳам бунинг иложи бўлмаган.

Амир Темур деҳқончиликнинг тараққий этиши биринчи галда суғориш иншоотларининг барпо этилиши билан боғлиқ эканлигини яхши тушунган. Шу сабабдан унинг кўрсатмасига кўра Самарқанд атрофлари, Мурғоб водийси ва бошқа ҳудудларда суғориш тармоқлари барпо этилган.

---

<sup>1</sup> Эрқаев А . Маънавият ва тараққиёт. Т. Маънавият, 2009, 137-бет.

Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Мавароуннхарда деҳқончилик гуллаб-яшнаган<sup>1</sup>. Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «Ободонликка ярайдиган бирор қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Экинларнинг анъанавий турларидан ташқари Амир Темур даврида янгилари ҳам етиштирила бошланган. Масалан, Руи Гонсалес де Клавихонинг маълумотига кўра, каноп ва зиғир Темурнинг юришларидан сўнг экила бошланган.

Темур даврида боғдорчилик ва узумчилик ҳам тараққий этди. Самарқанд, Тошкент, Шахрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарларнинг атрофи боғлар билан ўралган эди. Самарқандга яқинлашган Клавихо Темур пойтахтини ўраб турган боғлар ва узумзорларни кўриб хайратга тушган эди<sup>2</sup>.

Алоҳида ташкил этилган хушманзара боғлар зодагонларнинг дам олиш жойи сифатида хизмат қилган. Бундай боғларда махсус режа асосида мевали ва манзарали дарахтлар экилган, гулзорлар барпо этилган. Манбаларда айтилишича, Амир Темур боғларида ҳатто лимон каби цитрус мевалар экилган.

Самарқанд бошқа шаҳарлар ичида етакчи ўринни эгаллаши керак деб ҳисоблаган Амир Темур унинг атрофида дунёнинг машҳур шаҳарлари номи билан аталган қишлоқлар барпо эттирган эди: Миср, Боғдод, Султония, Шероз ва бошқалар. Шунингдек, кўраганларни хайратга солган боғ-парклар барпо этилди. Уларнинг барпо этилишидан бошқа, сиёсий мақсад ҳам кўзланган эди. Бу каби боғларда турли мамлакатлардан келган элчилар қабул қилинган. Амир Темур буйруғи билан барпо этилган қишлоқ ва боғлар Самарқанднинг пойтахт сифатида, сиёсий ва иқтисодий алоқалар маркази ўрнини кучайтирди. Марказий Осиё халқларига қадимдан маълум бўлган боғлар оройиши амалиёти бу ўлкада 150 йилга яқин давом этган мўғуллар истилоси даврида тамоман тўхтаб қолган ва деярли унут бўлган эди.

---

<sup>1</sup> Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Т.: Университет, 1999, 64-66-бетлар.

<sup>2</sup> Клавихо Р.Г. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1406 гг. – М., Наука 1990, 78-бет.

Соҳибқирон Амир Темир Марказий Осиё халқларининг бу нодир амалиётини нафақат янгитдан ривожлантирди, балки уни боғ истироҳатчилик ва боғлар оройиши санъати даражасига кўтарди. Темур шаҳар ичи майдонларидаги мўъжаз боғлар билан чегараланмасдан шаҳар атрофларидаги хушманара жойларда катта истироҳат боғларини ва улардаги турли хил гўзал оройишлар ва боғ зийнатларини авж олдирди.

Темур даврига келиб “Чорбоғ” услуги янгича маъно касб этди. Энди у кўрғонча ичига ёнма–ён жойлаштирилган тўртта мўъжаз боғ эмас, балки дунёнинг рамзий маънодаги тўрт тарафига кетган жаннат ариқлари бўйлаб ташкил этилган кўп қисмли истироҳат боғ саройларидир. Боғнинг таркибий қисмлари: чорчаман, хиёбон, ховуз–фавворалар, сарой ва кўшқлар, боғлардаги шийпонлар ва уларнинг жойланиши жойнинг паст–баландлигига, ариқлар йўналишига қараб аниқланади. Боғ таркибида булардан ташқари мевазор ва узумзорлар, ўт–ўланлар, нафис ҳайвонот оламига ҳам кенг ўрин берилган. Боғлар такрибий шакллантирилмасдан, пухта ўйланиб, меъмор ва боғбонлар тuzган режа ва тарҳлар асосида яратилган. Боғлардаги зироатчилик маданияти, дарахт ва гуллар, буталарни танлаш ва экиш, боғ қурилишларига оройиш бериш, айниқса, фаввора ва шалолалар, сарой ва кўшқлар қуриш ишларига катта аҳамият берилади. Боғлардаги дарахтлар турини танлаш, бир–биридан кейин очиладиган мавсумий гуллар, манзарали ва мевали дарахтларни аралаш экиш, хуллас, манзаравий меъморчилик ва боғлар оройиши ҳақида орасталикка эътибор берилди. Амир Темур ва темурийлар бунёд этган боғлар орасида қўриқхоналар тарзида шакллантирилган боғлар ҳам йўқ эмас эди. Улар шоҳона овлар ва амирзодаларнинг шикор машқлари ўтказишига мўлжалланганди. Умуман, Темур ва Темурийлар яратган боғлар турли мақсадларда: истироҳат ва дам олиш–боғлари, мевазорлар, қўриқхона боғлар, улуғ меҳмонлар ва элчиларни қабул қилиш маросимлари, олимлар, уламо ва шеъроят намоянадалари билан суҳбатлар, халқ сайиллари ва тантаналар ўтказиш учун фойдаланилар эди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. Т. Шарқ, 1996, 43-бет.

Амир Темур Самарқанд атрофида бунёд эттирган боғлар саноғи турли манбаларда турлича: бир ўринда 7та, бошқа жойда 12-та, деб келтирилади. Мутахассислар кейинчалик аниқлашларича, уларнинг сони 14 та бўлиб, улар Боғи Биҳишт, Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Зоғон, Боғи Нав, Боғи Жаҳоннамо, Булбоғ, Боғи Бўлду, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Давлатобод, Боғча, Боғи майдон номлари билан аталган<sup>1</sup>.

Ўзма манбаларда қайд этилишича, Темур Курагон даврида фақат кенг Самарқанд шаҳарлари ёки Мовароуннахрнинг азалий худудида эмас, балки мамлакатга кейин қўшиб олинган амирликларда, масалан, унинг амри фармони билан Хуросон ва Озарбайжонда бир қанча шаҳарлар ва қалъалар қайта тикланди. Жумладан, мўғуллар босқини оқибатида тамом вайрон бўлган Сирдарё соҳилидаги қадимги Банокат 1392 йилда қайта қурилади ва теваарак-атроф аҳолиси кўчирилиб, унга жойлаштирилади. Дарё бўйида қайта қад кўтарган бу янги шаҳар-қалъа Соҳибқироннинг кенжа ўғли номи билан Шохрухия деб аталади. Қалъанинг майдони, - дейилади қомусимизда, - 100 гектардан ортиқроқ бўлиб, икки қатор тухумсимон буржли, яхлит пойдеворли девор билан ўралган. Шаҳар XIV-XVII асрларда машҳур савдо ва хунармандчилик маркази бўлган<sup>2</sup>. Бу ерда кулолчилик, шишасозлик, қайиқсозлик ва бошқа устахоналар очилган.

Темур бор қўшини билан 1401 йилда Кавказни эгаллагач, орадан икки йил ўтиб, бу ерда янги Байлакон шаҳри қад кўтарди. Шаҳар ичида сарой, майдон чорсу бозор ва дўконлар ҳамда ҳаммомлар, кўпдан-кўп турар жойлар ва чаманзорлар барпо этилади. Атроф баланд ва қалин девор, чуқур ва кенг ҳандак билан ўраб олинади. Тўрт бурчагида минорлар қад кўтарган бу қалъа деворининг айланами Самарқанднинг шаръий 2400 газига, баландлиги 15, қалинлиги 11, девор ташқарисидан қазилган ҳандакнинг кенглиги 14 ва чуқурлиги 20 газга тенг эди. Девор бўйлаб шаҳар ичкарасида қалъа соқчилари ва дарвозабонлар учун уй-жойлар, қўрғонга олиб чиқадиган

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси. Т. Алишер Навоий, 2008, 12- бет.

<sup>2</sup> Керэн Л. Амир Темур салтанати Т.: Маънавият, 1999, 59-бет.

кўтарама йўл ва камал вақтида тошлар ирғитиш учун махсус майдончалар барпо этилади. Шаҳар қурилиб битказилгач, амир Баҳромшоҳ Ислон унинг ҳокими ва қалъа қутволи этиб тайинланади.

Шубҳасиз, Темур бошлаб берган бунёдкорлик анъанага айланиб, бундай ишлар ворислари томонидан давом эттирилади. Темурий шахзодалардан тортиб нуфузли амирлару вазирлар, вилоят ва улус ҳокимлари ўз шахсий мулк ва маблағларининг каттагина қисмини марказий шаҳар ва уларнинг теварак-атрофида шоҳона кўшқу саройлар қуришдан ташқари, хайрия ишларига-масжиду мадрасалар, хонақоҳу шифоҳона-лар, хаммому бозор расталари, работу карвонсаройлар, сув иншоотларию боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этишга сарф қиладилар. Айниқса улар эътиқод, илм ва маърифат масканлари-масжидлар ва мадрасалар, шифоҳона ва хонақоҳларнинг сарфу харажати учун катта-катта экин ерлари, тегирмон, обжувоз, мойжувоз ва дўконлар каби қўзғалмас мулкларни вақф қилиб, мударрис олимлару толиби илмлар, зоҳидлар ва обид машойихларга маошлар белгилайдилар.

Бу даврда Мовароуннаҳрда чорвачилик ҳам ривожланди. Айниқса, кўйчилик ривож топди. Йилқичиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. “Бу юртда отлар ўзининг чидамлилиги билан машҳурдир”, деб ёзган эди Клавихо<sup>1</sup>.

Амир Темур даври иқтисодиётининг асосий ижтимоий таянчини йирик ер эгаллиги ташкил этарди. Ер эгаллиги шакллари: давлат ерлари, мулк, вақф ва жамоа ерлари. Темур даврида ерларни суюрғол тарзида бериш кенг тарқалди. Иқтдордан фарқли равишда суюрғол эгаси нафақат солиқ, балки маъмурий-суд иммунитетига эга эди. Дастлаб ҳарбий хизмат эвазига бериладиган суюрғол кейинчалик мерос қоладиган бўлди. Айрим суюрғол эгалари тархонлик ёрлиғига ҳам эга эди. Тархонлик ёрлиғи ер эгасини давлат солиғидан озод этар ва уларнинг тўққизта гуноҳини кечириш имконини

---

<sup>1</sup> Клавихо Р.Г. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1406 гг. – М., Наука 1990, 233-бет.

берарди<sup>1</sup>. Бора-бора ерларни суюрғол тарзида инъом этиш ва тархонлик иммунитетининг тарқалиши хазинага тушадиган фойданинг камайиши ва марказий ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди.

Амир Темур қишлоқ хўжалгига катта эътибор берган. Қишлоқ хўжалиги нафақат давлатнинг даромад манбаи, балки қўшиннинг таъминотчиси ҳам эди.

Мовароуннаҳр ерлари темир, мис, тошкўмир ва бошқа металлларга бой эди. Амир Темур даврида улардан фойдаланишга катта эътибор қаратилган. Тоғлардан қазиб олинган қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, мрамр қурилишда ҳам кенг қўлланилган.

Кучли марказлашган давлатнинг ташкил топиши ҳунармандчилик ва ички ва ташқи савдонинг гуллаб-яшнашига имкон яратди. Амир Темур бўйсундирилган мамлакатлардан олиб келган турли ҳунармандлар маҳаллий усталар билан биргаликда бу соҳанинг янада тараққий этишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Амир Темур давида амалга оширилган улкан қурилиш ишлари билан боғлиқ ҳунармандчилик, қурилиш хом ашёсига ишлов бериш ривожланди.

Ҳунармандчиликда тўқимачилик етакчи тармоқлардан бири эди. Оддий ва қиммат турли-туман матолар тайёрланган. Масалан, ўша даврда тайёрланган қиммат матолар орасида қирмизи бахмал машҳар бўлган. Кимхобдан тайёрланган либослар Амир Темур даврида мамлакатга ташриф буюрган элчиларга тақдим этилган. Гиламдўзлик ҳам кенг тарқалган ҳунармандчилик турларидан бўлган. Амир Темур саройларида фойдаланилган турли-туман гиламлар ҳақида Клавиҳо ҳам эслатиб ўтган.

Самарқанд ҳунармандчилик турлари орасида бошқа мамлакатларда ҳам машҳур бўлган қоғоз тайёрлаш етакчи ўрин тутган. “Энг яхшни қоғозлар Самарқандда тайёрланади”, - деб ёзган эди. Бобур<sup>2</sup>. Самарқанднинг олий навли қоғози “султон”, “самарқанд султон” қоғози номи билан машҳур эди.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Б., Муқминова Р., Пуғаченкова Г. Амир Темур. – Т.: Университет, 1999, 72-б.

<sup>2</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент: Юлдузча, 1989. 197-бет.

Шунингдек манбаларда қўлёзмаларнинг четларини безаш учун қўлланилган “қоғози абри”- “мармар қоғоз” ҳақида маълумот учрайди.

Амир Темур давридаги ҳу нармандчилик турлари орасида кулолчилик етакчи ўрин эгаллаган. Бу соҳа жуда сертармоқ эди: хилма-хил идишлар, сопол ва сирли кошинлар ва ҳ.к.

Заргарликнинг юксак даражада тараққий этганлиги ўша давр ҳақида маълумот берувчи манбаларда ўз аксини топган. Турли асарларда Амир Темур саройи ва сарой аҳли фойдаланган қиматбаҳо идишлар, тақинчоқлар ҳақида сўз боради.

XIV аср охири- XV аср бошларида ҳунармандчилик турли корхоналар кўринишида ташкил этилган. Клавихонинг маълумот беришича, Самарқанд аркида минглаб асир ҳунармандлар сақланган, улар ўуролосзлик корхонасида йил бўйи қурол-аслаҳа тайёрлаш билан шуғулланган.

Амир Темур ички ва ташқи савдони кенгайтириш борасида улкан ишларни амалга оширди. Янги савдо иншоотлари ва бозорлар пайдо бўлди.

Айниқса, пойтахт Самарақандда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилган. «Шаҳарда бемалол савдо-сотик ишлари олиб бориш учун маҳсус майдон бўлмагани сабабли сеньор (Темурбек) бутун шаҳарни кесиб ўтувчи йўл ўтказишни ва унинг иккала томонига савдо дўконлари қуришни буюрди. Бу ишни кечаю-кундуз давом эттириб, (тез орада) кўчани жуда кенгайтирдилар ва (йўлнинг) икки томонига чодирлар тикдилар; ҳар бир чодир олдига яхлит оқ (мармар) плиталар қўйилган баланд ўриндиқлар ўрнатилган эди. Ҳамма чодирлар иккитадан қилиб бирлаштирилган ва унга ёруғлик тушиб туриши учун деразалар қўйилганди. Чодирлар қурилиши тугаши билан у ерга савдогарларни юбордилар ва улар ўз молларини сотишга киришдилар. Кўчанинг баъзи жойларига фавворалар қурилганди. Ана шундай катта иш йигирма кунга қолмай ниҳоясига етказилган эди, ҳайрон қоласан киши...»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перев. со староиспанского И.С.Мироковой. – М.: Наука . 1990, 97-бет.



Амир Темурнинг нақадар узоқни кўра билиш салоҳиятини унинг Европа ҳукмдорлари - Франция қироли Карл VI (1380-1422), Англия қироли Генрих IV (1399-1413), Кастилия ва Леон қироли Генрих III (1390-1407) билан дипломатик алоқалари ва ёзишмаларидан ҳам билса бўлади. У жумладан, Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида савдо алоқаларини йўлга қўйишни таклиф қилиб «Дунё савдо аҳли билан обод бўлажак», деган фикрни билдирган эди<sup>1</sup>. Франция қироли 1403 йил 15 июнда ёзган жавоб хатида таклифни мамнуният билан қабул қилганини билдиради.

Муҳими шундаки, у ўзининг кенг бунёдкорлик ва маъмурчилик ишларини нафақат она-Ватани Туронда, балки ундан узоқ бўлган ўзга юртларда ҳам муваффақиятли олиб борди. У бузилган ва талафотга юз тутган Боғдод шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Қобул водийси ва Муғон чўлларига сув чиқариш, Озарбойжондаги Дарбанд қалъаси ва Бойлақон шаҳарларини қайта тиклаш, янги жамоа биноларини қуриш, Озарбойжоннинг Арс дарёсидан чўлга канал қазиб сув чиқариш (узунлиги 60–70 км), Хуросон ҳудудидаги Балх шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Хитой чегараларида жойлашган узоқ Ашпара шаҳри ва Хумра қалъасини маъмур этиш каби улкан бунёдкорлик, таъмир ва ободончилик ишларини амалга оширди. Темурнинг нигоҳи, меҳри тушган, таъмир ва маъмурчиликка муҳтож бўлган ерлар хоҳ Туркистонда бўлсин, хоҳ ўзга юртларда Темур ҳиммати ва эътиборидан четда қолмади. Оддий халқ тили билан айтганда, Амир Темур ўз ҳаёти давомида “минг бир” хайрли ва мўътабар ишларга қўл урдики, уларни қойилмақом қилиб уддалади.

Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бу даврга келиб Буюк ипак йўли шуҳратининг янада ортиши давомида Мовароуннаҳр ва Хуросон дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳар жиҳатдан яқиндан боғланиб, халқаро карвон савдосининг энг муҳим марказига айландики, бу эса Ватанимизнинг нафақат иқтисодий, балки маданий ва маънавий юксалишига катта ижобий таъсир кўрсатди.

---

<sup>1</sup> Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари – Самарқанд: Мерос, 1996, 38-бет.

Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган инсонлардан кўриниб турибдики Амир Темур фаолиятида бунёдкорлик ғояси асосий ўринни эгаллаган. Шунинг учун ҳам Амир Темур қаерга борса ўша жойни обод шахарга, ўлкага айлантирган.

## 2.2. Амир Темур илм-фан ва маданият санъат ривожни хомийси.

Мусулмон Шарқида илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланишига хомийлик қилган маърифатпарвар подшолардан бири Амир Темур ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу давр кейинги вақтларда тарихчилар томонидан навбатдаги мусулмон реннесанси сифатида тилга олинмоқда. Амир Темур даври фан ва адабиётнинг ривожланиш ва гуллаб-яшнаш даври эди. Ибн Арабшоҳнинг маълумот беришича: “Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламо ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди”<sup>1</sup>. “Темур тузуклари” да уламо ва фузалолар ҳурматга мувофиқ инсонлар сифатида жамият ижтимоий таркибининг ўн икки тоифаси вакиллари қаторига киритилган<sup>2</sup>.

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этишга, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди. Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди.

Амир Темур бўйсундирилган мамлакатлардан айрим олимларни ўз юртига олиб келганлиги, уларнинг Мовароуннаҳрда самарали фаолият олиб борганлиги маълум. Масалан, 1387 йилда Темур Журжонлик машҳур файласуф олим Мир Саййид Шариф Журжоний (1339-1413 йй) ни Самарқандга олиб келган. У улуғ амир “Дорулшифо” сида дарс берган. Мир Саййид Журжонийнинг араб грамматикаси, фикҳ ва фалсафа, фанларни тизимлаштириш ва грамматика бўйича яратилган элликка яқин асарларининг

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 2-китоб. – Т.: Меҳнат, 1992, 69-бет.

<sup>2</sup> Темур тузуклари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. Тошкент: Фафур Фулом.1991, 81-бет.

кўпчилиги Самарқандда яратилган. Темур илму-фан ривожига раҳнамолик қилган, ўзи эса тарих, жуғрофия, тиб илмларини яхши билган, адабиёт ва шахматни севган. У уламо ва шоирларни беҳад ҳурмат қилган, эъзозлаган. Сабаби унинг ўзи ҳам ўз даврининг олими ва донишманди бўлган. Унинг муғолибларидан бири Ибн Арабшоҳ Темурни «Шарқу Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди» деганда тўғри баҳо бериб, муболаға қилмаган эди. Темурнинг қадами қаерга етган бўлмасин, у ўша ердаги олиму уламолар, шоирлар, санъаткорлар, меъморлар, хунармандлар, касбкорларни йиғиб суҳбат айлаган, уларга топшириқлар ва вазифалар берган, осойишта ижод, бунёдкорлик билан шуғулланишга имконият яратиб берган, моддий ёрдам бериб хомийлик қилган. Чунончи, у Дамашқда ислом уламоларини йиғиб, Қуръон ҳақида катта мунозара ўтказди. Озарбайжоннинг Бойлақон шаҳрида ҳам олимлар билан кенгаш ўтказиб, улар олдига катта вазифалар кўяди. Румнинг Басра шаҳридаги энг катта кутубхонадаги нодир китобларини Самарқандга келтириб бу ердаги китоблар билан кўшиб Кўксаройда улкан билим маскани - кутубхона ташкил этади. Бу кутубхона хазинасидан минглаб кишилар баҳраманд бўлган, етук олимлар етишиб чиққан. Фаҳмлаш мумкинки, Амир Темурнинг кутубхонаси ўз даврида ер юзидаги улкан ва энг бой кутубхоналардан бири бўлган. Негаки пойтахт Самарқандга нафақат китоблар, балки Амир Темур салтанати худудидаги энг нуфузли олимлар ҳам йиғилган эдилар. Амир Темурнинг бевосита ғамхўрлигида юзлаб олимлар илму-фанда ижод қилганлар. Улар қаторида Саъуддин ат-Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Сайид Шариф Журжоний, Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий, Хожа Муҳаммад ал-Бухорий, Хожа Абдулмалик Самарқандий, Тожиддин ас-Салмоний, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдужаббор, Аҳмад Кирмоний, Хофизу Абру, Гиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хужандий ва бошқалар эди.

Умуман олганда, Амир Темур салтанатида замонасининг таниқли алломалари ҳисобланган дунёвий фанларнинг ҳамма тармоқлари бўйича илмий-тадқиқотлари олиб борган қарийиб 100 дан ортиқ олимлар, Ислом

тасаввуфчилиги соҳасида ҳам Шарқда номи машҳур бўлган ўнлаб авлиёю-пирлар илоҳият йўлида самарали ибодатда бўлганлар. Самарқанд ўша даврда ана шундай буюк зотларнинг ижод марказига айланган эди. Бу иборани ўша даврнинг гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ шундай таърифлайди: «Темур ҳар бир жонни (олиму-уламоларни...) йиғиб, нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган эди». У давом этиб: «Дарҳақиқат Самарқанд фозиллар жам бўлган ва фазилат аҳлининг келиб қунадиган жойи эрди<sup>1</sup>».

Бу олимлар Амир Темур ташкил этган Кўксарой кутубхонасида ишлаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Ҳар бир олимнинг ўрни ва вазифаси аниқ эди.

Улар илму-фаннинг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб бориб, Турони-замин илму-фан, маданиятини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтариб, Самарқандда ўзига хос илмий марказни ташкил этиб, невараси Улуғбек даврида фаннинг кенг тараққий этишига, илмий лаборатория ва Самарқанд фанлар академиясининг вужудга келишига асос солган эди.

Амир Темур даврига келиб Самарқанд олимлар масканига айланиши билан мадрасаларнинг вазифалари ҳам кенгая бориб, улар юқори савияси илм-фан муассасаларига айлана борди.

Олимларнинг кўпчилиги, айти пайтда, Темур даврида ва Темурдан олдин барпо этилган ва обод холга келтирилган Самарқанд мадрасаларида талабаларга таълим берар эдилар. Уларда энди диний қадриятлардан ташқари давлат хизматчилари ва иқтидорли ёш олимлар ҳам тайёрлана бошланди. Ўша даврда Дамашқдан келтирилган ёш толиби илм Ибн Арабшоҳнинг Самарқанддаги Идику Темур мадрасасида таҳсил олиб таниқли тарихчи олим бўлиб етишганлиги фикримизнинг далилидир.

---

<sup>1</sup> Ғулом Ғафур. Соҳибқирон ҳақиқати. // Тафаккур . 1996 ,№ 2, 37-бет.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича Амир Темур даврида илоҳиёт, фикҳ, математика, астрономия, тиббиёт, фалсафа, тарих, мусикашунослик, илми арзу ва бошқалар ривож топди.

Манбаларда илоҳиётчилар: Хўжа Муҳаммад Порсо (1419 й. вафот этган), Жамолиддин Хоразмий (1427-28 йй вафот этган), Шамсиддин Муҳаммад ал-Жазоирий (1429 й. вафот этган), фикҳ-ҳуқуқшунослар: Абдул Малик ва Исомиддин Жазоирий (1419 й. вафот этган), табиб Фазоллох Табризий, мусикашунос Абдул Қодир Мароғий, Сафиъ ад-Дин ва Ардашер Чангий, файласуфлар Саъдиддин Тафтазоний (1389 й. вафот этган), Мир Саййид Шариф Журжоний каби олимларнинг номлари сақланиб қолган.

Хожа Муҳаммад Порсо Марказий Осиё халқлари маънавиятида, ислом ва тасаввуф тарихида чуқур из қолдирган алломадир. У Баҳовуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур эди. Абдурахмон Жомий ўзининг "Нафоқот ул-унс" номли асарида кўрсатишича, Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Хофиз ал-Бухорийдир. "Порсо" унинг лақаби бўлиб, бу лақабни унга Баҳовуддин Нақшбанд берган. Хожа Муҳаммад Порсо нафақат валиюллоҳ, балки ўз даврининг йирик олимларидан эдики, унинг Ўзбекистан ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 18 та асарлари сақланмоқда<sup>1</sup>.

Саъдиддин Тафтазонийнинг тилшунослик, мантиқ, схоластик теология, геоаметрия ва арифметикага бағишланган беш-олтита асари бизгача етиб келган. Мирзо Улуғбек томонидан Тафтазонийнинг «Мифтахул-улум» («Илмлар калити») асарига шарҳ ёзилган.

Амир Темур даврида тарихшунослик илми ривож топди. Шу ўринда Шарафуддин Али Яздийнинг қуйидаги маълумоти ғоят қимматли. Унинг айтишича, Темур бош девонида "Манзумаи турк" асари тузилган, ушбу асар ёзилаётганида унинг парчаларини Темур неча марта лаб ўқиб чиққан; баъзи

---

<sup>1</sup> Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти – Т.:Академия, 2000, 57-бет.

жойларини тузатган, таҳрир этган, кўшимча далиллар зарур бўлиб қолганда ўша воқеа содир бўлган ерларга махсус одамлар юбориб аниқлаттирган; воқеаларнинг доимо тўғри, хронологик тартибда ҳамда тарихий ҳақиқатга мос равишда ёритилишини талаб қилган”<sup>1</sup>.

Бу даврда Низомиддин Шомий (1409 й. вафот этган), Ҳофиз Абрў (1430 й. вафот этган), Ибн Арабшоҳ (1389-1450 йй), Шарафиддин Али Яздий (1454 й. вафот этган) каби забардаст тарихчилар фаолият кўрсатган. Уларнинг фаолияти кейинги давр тарихшунослигига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Амир Темур даврида битилган асарлар ичида ўзига хос услуби ва фактик материалга бойлиги билан Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарлари ажралиб туради.

Низомиддин Шомийнинг асари Амир Темурнинг топшириғига кўра 1402-1404 йилларда ёзилган бўлиб, унинг ҳокимият тепасига келган даврдан (1370 й) то Ғарбий Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Гуржистонга бўлган етти йиллик урушдан қайтган вақтигача бўлган тарихини ёритади<sup>2</sup>. Шарафиддин Али Яздий XIV асрнинг 80-йилларида Яздида туғилиб, XV асрнинг бошларида Темурнинг бош девонида солномачи бўлиб ишлаган. Шарафиддин Али Яздийнинг асари “Зафарномаи Темурий”, “Тарихи жаҳонкушойи Темурий” ва “Фатҳномаи соҳибқироний” номлари билан ҳам машҳур. Ушбу асар маълум маънода юқоридаги “Зафарнома” билан боғлиқ. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си Форс вилояти ҳукмдори, Шоҳруҳнинг ўғли Иброҳим Султон топшириғига кўра ёзилган ва 840/1437 йилда яқунланган<sup>3</sup>.

Машҳур темурий тарихчи Ҳофиз Абрў (тўлиқ исми Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Хоравий) томонидан Низомиддин Шомийнинг асарига Амир Темурнинг вафотигача бўлган ҳодисалар ва

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Шарк, 1997, 90-бет.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Т.: Университет, 1999, 4-бет.

<sup>3</sup> Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тугган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993, 27-бет.

Шохрух ҳукмронлигининг 1416 йилгача бўлган даври тарихи баён этилган илова (“Зайли “Зафарнома”) ёзилган<sup>1</sup>.

Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” (“Темур тарихида тақдир ажойиботлари”) асари кириш қисмида таъкидлаб ўтилганидек, Темур шахсига нисбатан душманлик кайфиятида битилганига қарамасдан, ўша давр тарихшунослигида катта ўрин эгаллайди.

1404-1409 йиллардаги Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг сиёсий тарихини ёритишда моҳир хаттот ва девони иншонинг хизматчиси Хўжа Тожиддин ас-Салмонийнинг “Тарихнома” (шунингдек “Зайли “Зафарнома” номи билан ҳам маълум) асари катта ўрин тутди. У Музаффарийлар сулоласига барҳам берилгач, 1393 йилда Самарқандга келтирилган ва 1409 йилда Шохрух томонидан Ҳиротга олиб кетилган..

XIV аср охири- XV аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда адабиёт ҳам гуллаб-яшнади. Ўзбек мумтоз адабиётининг тамал тошини қўйган Мавлоно Лутфий (1366-1465) дан бошлаб Ҳайдар Хоразмий (XIV аср охири, XV аср бошлари), унинг замондошлари Дурбек, Гадоий, Атоий, Саккокий сингари забардаст туркигўй шоирлар ижодининг равнақи туфайли мумтоз адабиётимиз янги марраларга кўтарилди ва унинг хилма-хил жанрларида бир-биридан гўзал, нафис бадиий асарлар яратилди.

Ундан ташқари Амир Темурнинг бевосита устозлигида Темурийлардан ташқари қарийиб 80-дан ортиқ машҳур давлат арбоблари, талантли саркардалар, икки таълимотда ҳам билимга эга бўлган йирик сиёсатчилар етишиб чиқади. Жумладан, Тожуддин ас-Салмоний, Маъсуд ас-Симноний, Муҳаммад ас-Соғиржий, Аҳмад ас-Тусий, Мавлоно Қутбиддин, Хожа Абдумалик, Мавлоно Убайд, Фазлуллоҳ Мавлоно, Жамолиддин, Муҳаммад Ковчин, амир Хамза, Махмуд Шохоб Хуросоний, Насриддин Махмуд, Амир Шох Малик, Амир Жоку, Сайфитдин Борлос, Амир

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и – (“Илова”)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 58-59-бетлар.



Сулаймоншоҳ, Амир Абу Сайид, Амир Усмон Аббос, Амир Сарик Атко, Амир Жалолитдин кабилар шулар жумласидандир.

Темур даврида қурилган ва обод этилиб фаолияти ижобий йўлга қўйилган мадрасалар масаласига келсак фақат биргина Самарқанднинг ўзида уларнинг сони ўнга яқин эди. Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султон мадрасаси, Бибихоним мадрасаси, Ферузшоҳ мадрасаси, Идику Темур мадрасаси, Амир Шохмалик мадрасаси, Қутбиддин Садр мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидан эди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Шаҳрисабзда, Бухорода, Хиротда илм-фан ахллари, кўплаб адиблар, шоиру-бастакорлар, мусаввирлар, меъмору муҳандислар, бинокор наққошлар, моҳир хунармандлар ижод билан банд эдилар. Бу даврда Темурнинг ота юрти Шаҳрисабз эса ўзи ўқиган мадраса қайта таъмирланиб, кенгайтирилиб, илмий тарбия марказига, яъни «Адаб илмининг гумбази»га айланган эди. Ундаги Темур бунёд этган «Дор ут-тиловат»да нафақат адаб илми, балки диний ва дунёвий билимлар ҳам ўрганилар эди. Хиротда эса Шохрух Мирзо ҳам Темурнинг илм-фан ва маърифат соҳасидаги саъй-ҳаракатларини олиб бутун Хуросондаги энг катта кутубхонани ташкил этади. Темур салтанатининг ҳар иккала улкан кутубхонасида нафақат араб ва турк тилларида, балки форс, лотин ва юнон тилларидаги энг нодир асарлар тўпланган эдики, бу асарлардан фойдаланиб ишлаган олимлар кейинчалик Самарқандда Мирзо Улуғбек шакллантирган улкан илмий академиянинг аъзолари бўлиб, илму фаолиятлари билан жаҳонга танилган йирик ва машҳур олимлар бўлиб етишади.

Хиротда эса ана шу саъй-ҳаракатларнинг давоми ва Хирот кутубхонасининг таркибий қисми тарзида пировардда Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида Камолитдин Беҳзод раҳбарлик қилган «Санъат академияси» – «Нигористон» вужудга келган эди.

Юқорида келтирилган далил ва мулоҳазаларга асосланиб Амир Темурнинг хаётда амал қилган тартиб эътиқодларидан бири, бу – китоб

---

<sup>1</sup> А. Ўролов. Соҳибқирон қурдирган макбара. // Тафаккур. 1996, 127-бет.

битиклар кутубхонасини ташкил этиши эди. Чунки, узоқ Бурса шаҳридан Самарқандга яхлит бир кутубхонани кўчириб келиш фақат Темур маънавиятига хос тафаккури эди. Темурнинг фикрича, «китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, хаётни ўрнатувчи мураббийдир». Гарчи бу сатрлар Темур номидан халқ тилида айтилган ривоятларда келтирилган бўлса-да, у Темур маънавиятига тамоман мос келади. Чунки унинг ўғитларида «ёзилган нарса авлодлар хотирасида қоладиган ишлардан ҳам узоқроқ яшайди»<sup>1</sup>, деган ҳикматли сатрлар мавжуд.

Амир Темурнинг илм-маърифатга қаратган катта эътиборини унинг «Тузуқлари»да ҳам кўриш мумкин. Унда, жумладан шундай сатрларни ўқиймиз: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалар ва Исломи дини илмларидан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим... Яна амр қилдимки, ҳар бир шаҳарда масжид ва мадрасалар бино қилсинлар, касаллар учун шифохоналар курсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар».

Дарҳақиқат, Амир Темур замонасида уламо ва мударрисларга моддий ёрдам кўрсатилиб маош ва иш ҳақи берилар эди.

Давлат ва унинг бошлиғи томонидан олиму-уламоларга кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдам туфайли ўша даврларда яратилган илму-фан натижалари ҳозирги кунда, келажакда ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Жумладан, ҳозирги кунда Самарқандда Амир Темур саройида хизмат қилган олимлардан бири Муҳаммад Ибн Умар Саъидин ат-Тафтазонийнинг илму-ҳисоб, ҳандаса ва мантиққа доир бир неча рисоласининг қадимги қўлёзма нусхалари мавжуд. Шулардан бири тўғри чизиқларнинг паралеллигига бағишланади. Унда Тафтазоний Евклиднинг машҳур 5-постулатини исбот қилишга ҳаракат қилади ва бунда икки тўғри чизиқни учинчи тўғри чизиқ кесганда ҳосил булувчи бир томонли ички ташқи бурчак йиғиндисининг икки тўғри бурчакка тенг бўлиши зарур эканини кўрсатади. Шу жараёнда у

---

<sup>1</sup> Амир Темур ўғитлари. Т., 1992, 59-бет

бурчакларнинг бошқа бир қатор хоссаларини ҳам исбот қилади. Уларнинг татбиқи сифатида икки масаланинг ечимини ҳам келтиради.

Амир Темур даврида ижод этган олимларнинг асарлари узоқ йиллар давомида қайта-қайта кўчирилган ва фойдаланиб келинган. Тадқиқотлар бу асарлар илму-фаннинг кейинги тараққиётида ҳам алоҳида ўрин тутганликларини кўрсатади.

Амир Темурнинг илму-фан, маънавий-маданияти ҳақида фикр юритар эканмиз Соҳибқироннинг ўзи ҳам фан билан шуғулланган, тарихни севган, тарих ҳақида китоблар ёзган. Унинг «Манзумои Турк», «Тузуқлари» шулар жумласидандир. Юқорида таъкидлаганимиздек жаҳон халқлари тарихини яхши билган, ўз фаолияти тўғрисида сиёсий хулосалар чиқарган<sup>1</sup>.

Шу билан бир қаторда Амир Темур табобат илмининг ривожига катта шароит яратиб беради ва халқ медицинасини, табобат илмий марказлари, биноларини вужудга келтиради<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг алоҳида бино тарзида шифохона қурдирганлиги ҳақида адабиётларда маълумот йўқ. Бироқ бизга Амир Темур даврида Самарқанддаги “Арк-қалъада дор уш-шифо”, яъни шифохона хизмати ташкил этилганлиги маълум. Замонасининг улуғ уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Шариф Журжоний (1330-1414) аввал Шерозда мударрислик қилиб, 1387 йилда Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келиб ушбу дор уш-шифода ўз фаолиятини давом эттирганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Амир Темур «Тузуқлари»га амал қилиб касаллар учун шифохоналар қурган темурийлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Хуросон хукмдори Султон Шохруҳ Мирзонинг хотини Милкат оға ҳамда Шохруҳ Мирзонинг набираси Мирзо Алоуддавлатни (у ҳам Ҳиротда шифохона қурган) ва Ҳусайн Бойқарони (Хирот яқинидаги Герируд тоғидан чиққан шифобахш иссиқ сувга шифохона қурдиради) кўрсатиб ўтиш мумкин. Амир Темур давридаги бой маънавий муҳит мусиқа санъатининг асосий йўналишлари:

---

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э. В., Сайдов А. Х. Амир Темур в зеркале мировой истории. Париж, 1996, 17—бет.

<sup>2</sup> М. Рахмонов. Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. Т. Ғофур Ғулом, 1996, 13 -бет.

чолғучилик ва ижрочилик, бастакорлар ижоди, шунингдек, мусиқа хақидаги фаннинг ривожланишига кенг имкон берди. Ўша даврларда халқ мусикаси ва харбий маросимлар мусикаси, мумтоз мақом санъати, мусиқий фольклор ривожланиб борган.

Мусиқий атрибутлар шон – шавкат ва мардлик тимсоли бўлиб қолган эди. “Темур тузуклари”да шундай дейилади: "Мен ўн икки амирдан ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, кичик туғ ва чотуғ, мингбошига бир туғ ва ноғора, юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора, аймоқларнинг амирларига биттадан бурғу (сурнай) тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу беришларини буюрдим"<sup>1</sup>. Шундай қилиб, халқнинг мусиқа асбоблари қонуний равишда ҳукмдорларнинг ижтимоий мавқеи тимсоли сифатида тан олинган эди.

Тез ривожланиб бораётган мусиқий амалиёт, ижодий жараён мусиқа арбобларининг пайдо бўлишига олиб келади. Уларнинг ичида энг нуфузлиси - Хўжа Абдулқодир Мароғий бўлган (1340-1435). Амир Темур бу мусиқачининг ғайриоддий мусиқий қобилиятлари хақида эшитиб қолиб, уни Боғдоддан Самарқандга кўчириб олиб келди. Бу ерда Мароғий ижрочилик ва бастакорлик фаолияти билан шуғулланган. Мароғий бастакор сифатида 200дан ортиқ асарлар, шу жумладан, кўп қисмли асарлар ва усуллар: "Зарб-ал-фатҳ", "Чаҳор зарб"ни яратади, шунингдек, "Таснифи-Хўжа Абдулқодир", "Амали-тарона", "Амали-бўстон", "Амали-гулистон", "Амали-харистон", каби мақомларга янги бўлимлар киритди. Афсуски, бизгача бу асарларнинг фақат номларигина етиб келган, холос. Унинг "Гина ва алхон", "Мақосид-ал-алхон", "Жавоме ал-алхон", "Канз ал-алхон" ва "Шарх-ал-адвор" каби мусиқий назарий асарлари яхши маълум.

Амир Темур даврида санъат ва мусиқа оламида машҳур бўлган сиймолардан бири Абдуқодир Гўянда (1334-1435) бўлиб, унинг ҳаётининг катта қисми Самарқандда кечган.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. Т: Фафур Фулом., 1991.73-бет.

Амир Темур мусикадан таралувчи хиссиётли қувватдан ўринли фойдаланган. Замондошларининг айтишларича, Амир Темур тез - тез ўтказилиб турадиган тантаналарда қўшиқчи ва чолғучиларни диққат билан тинглар, янги мусиқий асарга тегишлича баҳо берар экан. Унга фақат меросхўрлари эмас, балки аъёнлар ҳам таклиф қилинган эканлар. Амир Темурнинг мусикага бўлган иштиёқи миниатюрада акс эттирилган, уларда ҳарбий юришлардан лавҳалар билан бир қаторда турли чолғу асбоблари кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур даврида фан, адабиёт ва санъат равнақи юрт тинчлиги, мамлакат мустаҳкамлигининг махсули сифатида янада равақ топди ва гуллаб-яшнади.

### **III БОБ. Адолат, қонун устуворлиги ,халқпарварлик Амир Темур бошқарувининг тамойили сифатида.**

#### **3.1. Темур тузуклари асарининг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти.**

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилиги, маънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигига эришгач, унинг бир неча минг йиллик ижтимоий-сиёсий тарихини ҳар тарафлама ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Айниқса, марказлашган Амир Темур салтанати, унинг ўзбек давлатчилиги ва маданиятини ривожлантиришдаги ўрни масалаларига оидлик киритилиб, тарихчи, шарқшунос олимларимиз кўплаб биринчи манба аҳамиятидаги асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирдилар.

Давлат мустақиллигига эришиб, бугунги кунда демократик-ҳуқуқий давлат қураётган халқимиз Ватанимиз тарихида ҳуқуқий давлат ҳақидаги тасаввур ва қарашларнинг юзага келиши ҳамда ривожланиши, унинг юридик манбалари, дунёвий ҳуқуқ ва қонунчилик масалаларини ҳам билишни истади, албатта. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, “Темур тузуклари”ни тарихий-ҳуқуқий тадқиқ этиш алоҳида долзарблик касб этади. Зеро, ўтмиш меросимиз, унинг бой давлатчилик ва ҳуқуқий асослари, хусусан, Амир Темур даврида давлат ва ҳуқуқ борасида қўлланилган адолатли тамойиллар бугунги кунда мустақиллигимизга ҳам хизмат қилиб, шахснинг юксак сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда кўмаклашмоқда.

Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асосий тарихий манбалар бениҳоя кўп ва хилма-хил бўлиб, бу унинг номи, жаҳон тарихидаги роли беқиёс эканлиги ва ғоят машҳурлигидан далолат беради. Бу масалаларга оид манбаларнинг илмий таҳлили жамиятшунос олимларимиз асарларида, айниқса, ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган «Амир Темур жаҳон тарихида» номли фундаментал тадқиқотда батафсил берилган. Ушбу

тадқиқотда мазкур мавзу бўйича жаҳоннинг турли тилларида нашр этилган адабиётлар рўйхати ҳам келтирилган<sup>1</sup>, шунингдек, Амир Темур, темурийлар давлати, унинг ташкил топиши масалаларига бағишланган, чет элларда ва Республикамизда олиб борилган тадқиқотларнинг илмий таҳлили ҳам бир қатор олимларимизнинг китобларида ёритилган. «Темур тузуклари» илмий жамоатчилиқни 600 йил мобайнида қизиқтириб келмоқда.

Амир Темур давлат ишларини юритишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги етакчи омилларидан усталиқ билан фойдаланди: дину шариат ишларини тартибга келтириб, тузукларни яратди. Салтанат мартабалари тузугини қуйидагиларга таяниб тузди:

- салтанат қонун-қоидаларини Исломи динига ва шариатга боғлади;
- ҳар бир ишда, ҳатто муомалада ҳам меъёрни унутмади;
- яхшиларга ёндашди, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмади;
- халқни эъзозда тутди, жабру зулмни ўзига бегона билди.

Амир Темур давлатининг ижтимоий-сиёсий тизимини яратишда ўтмиш тажрибаларига таянган бўлса-да, улардан кўр-кўрона кўчирмади, негаки, бундай қалтис ҳаракат ҳамиша ҳар қандай давлат учун хавфли саналган. Ана шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, «Тузуклар» Амир Темур давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми, турли тоифаларнинг ҳуқуқларини ҳам белгилаб, тартибга солган.

Соҳибқирон давлатни бошқариш, идора қилиш, барқарорликни таъминлашда Пири Абу Бакр Тойободий ўғити билан қуйидаги 4 удумга: 1) кенгаш; 2) машварату-маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик талабларига амал қилган. Бу унинг қуйидаги фикрларида яққол кўринади: “давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим..., ўз ўрнида қилинган тадбир билан саноксиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни

---

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. БМТ. ЮНЕСКО. – Париж, 1996.

енгиб бўлур..., ғолиб бўлмоқлик тангрининг мадади ва бандасининг тадбири биландир”<sup>1</sup>.

Амир Темур салтанати, ўзбек халқи унинг давлатчилиги тарихида ўзининг марказлашган, мутлоқий монархия, яккаҳоқимлигига асосланган империя давлати сифатида алоҳида ўрин тутди. Маълумки, бу давлат Кенгаш, машварат, раият ахволини ҳисобга олувчи мусулмон ҳуқуқи ва қонун-қоидаларига таянган давлат эди. Сунний фикҳ таълимоти давлат бошлиғининг ўз ҳатти-харакатида мусулмон ҳуқуқий қоидаларига оғишмай амал қилиши, раият манфаатлари ва – «умумий фойдаси»ни ҳисобга олиши, шунингдек, муҳим қарорлар қабул қилиш чоғида, маслаҳат билан иш кўриш»ини ҳамда унинг ваколатлари илоҳий кучга эга эмаслигини, халифанинг қонун чиқарувчилик салоҳиятининг йўқлиги фақат унинг ўзи мужоҳид бўлгандагина янги ҳуқуқий қоидаларни жорий этиши мумкинлигига таяниб давлат бошлиғининг ҳокимиятини мутлақ ҳокимият эмас, деб ҳисоблайдилар.<sup>2</sup>

Аммо Темур салтанати Ўрта Осиёдаги ўзига хос мутлоқий монархия эди. Чунки Амир Темурнинг давлат бошлиғи сифатидаги ўзига хослиги шундан иборат бўлганки, у қонун чиқариш ҳокимиятида ҳам иштирок этган. Бунга унинг «Тузуқлар»и яққол мисол бўла олади. Ана шу фикрларга, шунингдек, Темур тузуқларига суянган ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, бу давлат ўзига хос тузилиш шакли бўйича ўрта аср империяси (салтанати), бошқариш шакли бўйича ўзига хос шарқона мутлоқий монархия эди. “Темур тузуқлари”да қайд этилишича, салтанат ишларида энг биринчи галда тўрт нарсага амал қилиниши лозим: 1. Кенгаш. 2. Машварату маслаҳат. 3. Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик. 4.Эҳтиёткорлик. Давлатни шакллантириш борасида эса у яна муҳим саналган тўрт устунга суяниб фаолият юритган: 1. Исломот ва шариат қоидалари. 2. Тўра ва тузуқлар. 3.Ҳазина. 4. Раият ва аскар.

---

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Т., Ғафур Ғулом, 1991, 15-бет.

<sup>2</sup> Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умум назарий масалалар (давлат назарияси). – Т: Адолат, 2000, 162-163-бетлар.



Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий тамойиллари тизимини янада батафсилроқ баён қилсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади:

1. Амир Темур иқтисодий ҳар қандай салтанат пойдевори, деб тушунган. «Давлату салтанат – деб таъкидлайди, Амир Темур ўзининг «Тузуқлари»да, – уч нарса билан – мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир». Бу билан Темур давлатнинг яшаши ва ижтимоий ривожини учун, аввало, иқтисодий имкониятларга эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

2. Амир Темурнинг қарашларига кўра, ҳар бир мамлакат, турли хил иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, барча минтақалар «хусусида тўла маълумотларга эга бўлиши ва уларнинг иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олиши» лозим.

3. Амир Темур асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер эгаллигига катта эътибор қилди ва ҳар бир вилоятни идора қилишда давлат, вақф, хусусий ер эгаллиги тартибларини сақлаб қолди ва бунга ер майдонининг миқдори, эгаллик ҳуқуқини давлат манфаатини кўзда тутиб, ўзгартиришга ҳаракат қилди.

4. Темур меҳнатнинг яратувчанлик фаолиятини назарда тутиб, уни ижтимоий кадрият, деб тушунди.

5. Амир Темур иқтисодий тамойиллари тизимида молия масалаларига катта эътибор берган. Чунки молия Темур назарида давлатнинг иқтисодий таянчи ҳисобланган<sup>1</sup>.

Темурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг ахлоқий қарашлари билан асосланади ва диний ахлоқ устига қурилади. Шунинг учун ҳам Темур назарида ҳар қандай сиёсатнинг муваффақияти подшоҳнинг ўз фуқароларига бўлган раҳмдиллиги, саховатидадир. Қуръонда «Тахлаку би-ахлоқ Аллоҳ» дейилганидек, – деб ёзади Темур, – агар подшоҳ, бирор гуноҳкорнинг

---

<sup>1</sup> Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўқув қўлланма). – Самарқанд: СамДУ, 261-262-бетлар.

гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менинг барча ишларимда ана шундай подшоҳлар менга ибрат бўлди»<sup>1</sup>.

Темур ўз сиёсатида ҳам адолат, ҳаққонийлик, одилликка таяниб иш тутди. Чунки ўз сиёсатида ҳақ йўлини танлаган Темур бундан бошқа сиёсат юритиши мумкин эмас эди. У нимаики қилса, шариат доирасида, мусулмон фикҳи қоидаларига таяниб, умуман Ислом қудрати билан иш тутди. Бу эса Темурнинг ўз пири Абу Бакр Тойибодийнинг «рости-расти» яъни, «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан» ҳикмати, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур ўз тамғасига муҳр сифатида ўрнаштирган эди. Шундай қилиб, Темур ҳам адолат ҳақидаги ўз қарашларини диний тамойиллар асосида баён қилди.

Маълумки, XIV-XV асрларда ислом мафқураси ўзининг расмий ҳукмронлиги учун кураш олиб борди, бунинг натижасида у кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берди, – деб таъқдлайди проф. С.К.Каримов<sup>2</sup>.

Бизгача сақланиб қолган йилномалар ва тарихий манбаларда Темурнинг динга муносабати ўзининг яққол ифодасини топган. Жумладан, ислом динига муносабат тамойилини ишлаб чиққанлиги бутун темурийлар учун дастур вазифасини ўтади. Чунки Темур ислом динига давлатни идора қиладиган сиёсий тамойили йўқлиги учун эмас, балки унинг халққа энг яқин ва маъқул бўлганлиги ҳамда унинг инсонпарвар хусусияти учун тўла таянган.

У ўз қарашларида савдога, ишбилармонликка катта йўл очиб, уларга имтиёзлар яратиб берган. Лекин у ҳалол, ҳақиқий меҳнатга асосланган тижоратни қувватлаган, ҳатто бундай тадбиркорлардан уч йилгача солиқ олмаган. Темур фақатгина давлат раҳбари сифатидагина эмас, балки бир мутафаккир сифатида ҳам ўз даврининг илғор сиёсий қарашлари мукамал тизимини яратди. Чунки у бирор ғояни ўз фикрида таҳлил қилганида масаланинг ҳамма томонини ҳисобга олар эди. Унда ўзгалар фикрини эшита олиш ва қабул қила олиш қобилияти бор эди.

---

<sup>1</sup> Темур Тузуклари. Т. 1996, 17-бет.

<sup>2</sup> Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўқув қўлланма). – Самарқанд: СамДУ, 261-262-б.

Амир Темур қонунчиликнинг турли тизимлари – диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган. Амир Темур қонунчилик тизими деганда фақат Шариат қонунчилигини эмас, балки бошқа халқлар қонунлари, урф-одатлари, хусусан туркий-мўғил Ясо, Тузук қонунларини ҳам тушунган. Уларни баробар олиб караган, ҳар бирини ўз ўрнида, тақозо этган шароитда аниқ-функционал вазифа ва имкониятларига қараб фойдаланган. Масалан, Шариат қонунчилигидан иқтисодий, фуқаролик, маънавий маданият, халқаро муносабат масалаларида кенг фойдаланган бўлса, Ясо ва Тузуклардан сулоланинг қонуний эканлигини асослаш, мамлакат ва қўшинни қисм фавжларга ажратиш, урушлар олиб бориш, мукофот ва жазо беришда, ҳарбий соҳаларда кенг қўллаган. Соҳибқирон, “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса ясо бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб эгасига топширсинлар. Агар кимда ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин”<sup>1</sup> деган.

Плюрализм, эътиқодий бағрикенг ҳуқуқий қонунчилиги сиёсатини юргизишда Амир Темур Имому Аъзам Абу Ҳанифа, Шофеъийлар, ал-Мавардий асос солган ислом давлати, жамиятида дин давлатдан, халифа султонликдан функционал ажратилиши, бунда ҳам қонунга риоя қилиниши, қонун, адл-инсоф устуворлиги умдасига амал қилган. “Худонинг мулкида адолат билан иш тутгил... Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда турулмайдиган”, деган эди.

Зулм қилмаслик, қонун устуворлигини таъминлашда Амир Темур ишни аввало ўзи, яқин атрофдагилар, давлат арбобларининг мазкур қонунга риоят қилинишини таъминлашдан бошлаганлиги, хусусан Мироншоҳ, Халил

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., Ғафур Ғулом. 1991, 74-бет.

Султон, Искандар Мирзо каби ўз ўғил ва неваралари борасида, баъзи амир ва беклари фаолияти борасида жуда қатъий ва муросасиз бўлганлиги ҳозирги кунимиз учун бениҳоя ибратомуздир.

Амир Темур қонун устуворлиги масаласида бирор айб қилган оддий аскар, фуқарони, “булар оддий аскар, фуқароку” деб, кўп нарса уларнинг ирода ва ихтиёрида, имкониятлари доирасида эмаслигини назарда тутиб иш кўрган. Аммо ёлғон, хиёнат, бевурдлик, нопокликка нисбатан муросасиз бўлган. Айниқса ўз амалини, ҳатто бойлигини суъиистеъмол қилган нафақат алоҳида одамларни, ҳатто бутун-бутун шаҳар, давлат бошлиқлари ёки жамоаларини жазолаганлиги маълум. Жазони қўллашда ҳам Амир Темур адл-инсоф ва қонун устуворлигидан ташқари, ўз шахсий эҳтиросларига берилиш, айниқса ўч олишга берилиб кетишга йўл қўймаган<sup>1</sup>.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Амир Темур фуқаролар арз-додига кулок солиш, бировлар кўрсатмаларига ишониб қўя қолмасдан, шахсан ўзи арз-додини тинглаб, керак бўлса атрофлича тафтишдан сўнг энг адолатли, инсофли ҳукмга келишга ҳаракат қилган.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий, давлат қурилиши, қонунчиликка оид қарашлари шуни кўрсатадики, у давлатнинг алоҳида фуқаро, жамият олдидаги асосий вазифаси мамлакатда барқарор қонун ва тартиб ўрнатиш, бурч ва қоидаларни, солиқларни бажарилишини таъминлаш, халқнинг тўқ, фаровон яшашининг барча шарт-шароитларини яратиш, алоҳида маломат, захмат, қийинчиликлар эмас, балки унинг аҳволини енгиллаштириши лозимлигини тўғри тушунган ва ҳаётда амалга оширишга уринган. Албатта, Амир Темур шахсини бир томонлама муқаддаслаштириш ҳам, қоралаш ҳам керак эмас. Соҳибқироннинг халқимиз, давлатчилигимиз, умуман инсоният олдидаги хизматлари унинг ўта салоҳиятли, фавқулодда ақл-заковат ва иқтидор соҳиби бўлган зот эканлигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., Ғафур Ғулом. 1991, 74-бет.

Кўринадикки, Амир Темурнинг сиёсий тамойили марказида инсон туради. Амир Темур ўз даврида салтанат манфаатини халқ манфаатига бўйсундира олган давлат раҳбари эди.

Амир Темур сиёсий қарашлари тизимининг яна бир муҳим томони шундан иборатки, у ҳар бир сиёсий масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашиб, сўнгра қарор қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари турли шакл ва даражада бўларди.

Амир Темурдек буюк давлат арбобининг подшолар учун яратган «Тузуқлари» узоқ асрлар давомида кадрланиб келинди. Унинг боиси шуки, аввало, айнан ана шундай тўғри ва одилона тадбирлар орқали у марказлашган йирик давлатни бошқарди, яъни ким, бу асарда баён этилган амаллар катта синовдан ўтди ва ҳаётийлигини исботлади, демакки, ҳар бир давлат раҳбари учун, аввало, ҳаёт тасдиғини топган ана шундай қўлланмалар зарур бўлганлиги учун ҳам мазкур «Тузуқлар» ҳамон дунё эътиборини тортиб келмоқда.

Амир Темур ўн икки тартиб-қоидага қатъий амал қилиш орқали, биринчи навбатда, фуқаронинг фаровонлиги, тинчлигини юқори ўринга қўяди, чунончи, подшонинг ўз сўзида қатъий туриши, адолатпеша бўлиши, қарор ва фармонларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиши, ён атрофларидан доимо огоҳ ва сергак туриши, аввало, ўз фуқароларини ички ва ташқи хавфдан ҳимоя қилиши ҳамда ҳамма учун фаровон ҳаёт яратишни, элни хотиржам этиб, давлатни таназзуллардан сақлашни асосий вазифа деб билиши энг зарурий шартлардандир<sup>1</sup>. Тартиб-қоидалар шундай, эскилари янгисига пойдевор бўлади. Демократик тамойилларга амал қилувчи давлатлар бирдан пайдо бўлган эмас. Бунгача узоқ ва машаққатли йўл босиб келинди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, кейин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни бошдан кечириб, оғир синов ва курашларга мардона

---

<sup>1</sup> З. Давронов. Амир Темурнинг давлатчилик низомномаси. // Тафаккур. 1996 № 1, 84-бет.

бардош берибгина эришиш мумкин. Бу йўлда ўтмиш давлатчилигининг илғор тажрибалари жуда қўл келади.

Амир Темур тузукларининг кадр-қиммати юксак бўлиб, ундаги сиёсий-ҳуқуқий, қарашлар бугунги кунда мустақил Ўзбекистон давлатини бошқаришда дастуруламал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат куриш борасидаги конституциявий йўли Темур ва Темурийлар давлати тимсолида ҳам ўзининг тарихий илдизларига эга. «Давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади», деб мустаҳкамлаб қўйилиши бежиз эмас.

Амир Темур даврида қонунчиликда биринчи ўринда фуқаро манфаати тургани ҳамма қонунлар учун аҳамиятли сабоқ. Зеро, иқтисодий жихатдан ночор давлат заифлашиб, емирилиб боради. Иқтисодий қудратни эса халқ яратади. Бунда адолатли қонунчиликнинг роли бекиёсдир. Амир Темур даҳосининг ёрқин қирраларидан бири ҳам унинг мазкур ҳақиқатни англай билганлиги ва амалда намоён қила олганлиги билан ўлчанади. Зеро, келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, ўтмишнинг маънавий тамойиллари бизни адолатли йўллардан юксак тараққиётга олиб бориши, шубҳасиз.

Демак, Амир Темур тузукларининг кадр-қиммати юксак бўлиб, ундаги сиёсий-ҳуқуқий, қарашлар бугунги кунда мустақил Ўзбекистон давлатини бошқаришда дастуруламал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ижтимоий адолат ва ҳақиқат қадрияти Амир Темур маънавий салоҳиятида ўта муҳим ўрин тутган. «Куч адолатдадир» шиори бу беназир давлат арбобининг ижтимоий фаолиятида, сиёсатида маънавий мезон бўлиб хизмат қилган. Амир Темур “Тузуклари”нинг манбавий илмий холис қиммати ҳақида тўхталадиган бўлсак, уни XIV-XVI ва кейинги асрлар Шарқ, туркий ижтимоий-фалсафий фикрининг энг юксак намунаси бўлган манба деб баҳолаш керак бўлади. Бу хулосанинг тасдиғини тарихий апробация ҳам исбот этган. “Темур тузуклари” ниҳоятда махфий, тор доираларда, Темурийзода аслзодалар қўлида XVIII асрларгача фақат қўлёзма шаклда

кўлдан-кўлга ўтказиш йўли билан сақлаб келинганлигига қарамай, турли мамлакат ҳукмдорлари, сиёсатчилари ундан фойдаланишни истаганлар. Натижада “Темур тузуклари”нинг асл туркий нусхаларидан бири Ямандаги Турк-усмоний халифалиги ҳокими Жаъфар Пошо кутубхонасида сақланиб қолган. Ана шу нусхадан темурийзода Шоҳ Жаҳонга Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатий ал-Туркистоний форсий таржимани тақдим этган. Шоҳ Жаҳон эса ўз даврида Деккан музофоти қозикалони, маърифатпарвар Муҳаммад Афзал Бухорий (1651-52 й. вафот этган)га бу форсий нусхани Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”си, бошқа темурийлар архивлари, кундаликлари билан қиёслаб, ортиқча қўшилган жойларини чиқариб, асл матни тиклашни буюрган. Бу матндан кўчирилган “Темур тузуклари” нусхаларини жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари – Франция, АҚШ, Англия ва Россия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман каби мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қўлёзма нусхалар, литографик, тошбосма нашрлари таржима ва шарҳлари мавжуд<sup>1</sup>.

Амир Темур ижтимоий-сиёсий қарашларининг мағизи, уларнинг Ўрта Осиё, жаҳон ижтимоий-сиёсий фикри тараққиётидаги ўрни унинг ўлим олдидаги “Васияти”да мухтасар ва бутун шавкати билан ифодаланган. У “Биз ким, Мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким, миллатларнинг энг улуғи, Туркнинг бош бўғинимиз”<sup>2</sup> деган.

Соҳибқирон ўғитларида Она Ватанмиз Туркистонга, миллатимизга муҳаббат, унинг шаъни-шавкати учун қайғуриш, бунинг учун маъсулиятни чуқур англаш, халқимиз, миллатимизнинг жаҳондаги шаъни-шавкатини юксак тутиш, ардоқлаш каби муқаддас асослар берилган. Бу муқаддас ўғитлар ҳозирги мустақил Ўзбекистон истиқлолини асраб-авайлаш, ардоқлаш, ватанпарварлик руҳини кўтариш, Ўзбекистонни ўз мустақил тараққиёт йўлидан олиб боришда маънавий-руҳий асос, куч-қудратимиз, келажакка битмас-туганмас ишончимиз манбаи эканлигини кўрсатади. Амир

---

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т., Фафур Ғулом. 1997, 5-6-бетлар.

<sup>2</sup> Амир Темур васияти. Т., Фафур Ғулом . 1991, 3-бет.

Темур томонидан ёзиб қолдирилган «Тузуклар» Бобурийлар улкан империясининг ҳуқуқий пойдеворини ҳам ташкил этиб, давлат ва ҳуқуқимиз ривожига ундан кейинги даврларда ҳам катта таъсир кўрсатди. Биз давлатчилик ва ҳуқуқий меросимизни янада чуқур ўрганиш, уни кадрлаш ва ундан фойдаланишга янада эътиборни кучайтиришимиз лозим.



### 3.2. Амир Темур фахримиз ғуруримиз.

Амир Темурнинг (1336-1405) халқимиз маънавияти ва маданияти ривожига тутган ўрни бекиёсдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “... тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди”<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунга қадар Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ва қарашлари тарих, сиёсатшунослик, социология, фалсафа каби ижтимоий – гуманитар фанлар олимлари томонидан изчил ўрганилиб келинмоқда. Тадқиқотлар Амир Темурнинг Искандар Зулқарнайин, Хорун Ар –Рашид каби бунёдкор маърифатли подшо эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Амир Темур миллий ғуруримиз, мамлакатимиз фуқаролари учун миллий ўрнак бўлиб қолаверади. Амир Темурнинг Марказий Осиё ва жаҳон тарихидаги ўрни Темур давлатининг ўз даври учун илғор бўлган ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқдир.

Амир Темурнинг эл-юрт олдида қилган яхши ишлари. Ҳазрат соҳибқирон бутун ҳаётини юрти ва халқининг тинчлиги ва фаравонлиги учун сарфлади, элим деб, юртим деб ёниб яшади. Унинг эл-юрти олдида қилган хизматлари жуда катта. Масалан,

1) Мамлакат ва халқини мўғуллар зулмидан озод қилди, уларни ўз байроғи остига бирлаштириб, марказлашган кучли давлатга асос солди, унинг тинчлиги ва хавфсизлигини бўлмаганда 80 йилга таъминлади.

2) Самарқанд, Кеш, Тошкент, Бухоро ва Қарши каби шаҳарларни қайтадан, мустаҳкам қилиб тиклади, обод қилди. Замондош тарихчи Ҳофизи Абру «Самарқанд лойдан қурилган эди, ҳазрат соҳибқирон уни тошдан тиклади», деб ёзади. Шаҳарларда хунармандчилик, савдо-сотик ривож топди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008? 44-бет.

3) Илм-фан, айниқса, ҳадис ва фикҳ илми, риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия), табобат, мусиқа, тасвирий санъат, тарих, адабиёт, фалсафа илмлари мисли кўрилмаган даражада ўсди; халқ амалий санъати ривож топди.

4) Мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар, хусусан Ҳиндистон, Хитой, Олтин ўрда ва Араб мамлакатлари ва ҳатто Италия (Венеция), Испания, Франция ва Англия билан савдо-сотик, сиёсий ва маданий алоқалари ривожланди. Уни бутун дунё таниди ва тан олди<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг жаҳон олдидаги хизмати ҳам ниҳоятда каттадир. Булардан баъзиларини тилга олиб ўтамыз.

1) XV асрда французлар ҳазрат соҳибқиронга олтиндан хайкал кўйдириб, унга «Европа халоскорига» деган сўзларни ёздиртириб, Париж музейларидан бирига қўйдиришган эканлар.

Хўш, Амир Темур ва унинг юртдошларига бу қадар улкан шуҳрат келтирган нарса нима эди?

Ғарб давлатлари Амир Темурнинг қўли билан қудратли Туркиянинг ҳарбий-сиёсий салоҳиятини синдирдилар. 1402 йилнинг 20 июлида Анқара ёнида бўлган урушда Боязид Йилдирим тор-мор этилди. Бу билан Амир Темур Болқон мамлакатлари халқини, балким бутун Европани турклар истилосидан сақлаб қолди.

2) Россияни мўғул асоратидан қутилишини яқинлаштирган одам Амир Темур бўлди. У 1395 йилнинг 17 апрел куни Тўхтамишни Терак дарёси бўйида тор-мор келтириб, Олтин Ўрдага ўлим зарбасини берди. «Темурнинг бу зарбасидан кейин Олтин Ўрда Москва князига хавфли бўлмай қолди – деб давом этади йирик рус тарихчиси С.М.Соловьев, - чегарада бўлиб турадиган тўқнашувлардан кўпинча русларнинг қўли баланд келадиган бўлиб қолди. Москванинг улуғ князи совға-салом ва ўлпон билан Ўрдага бормай кўйди»<sup>2</sup>.

3) 1370-1390 йиллари Мўғулистон ва 1381-1404 йиллари Эрон, Озарбайжон,

---

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида – Т.:Шарк, 1996. 34 –бет.

<sup>2</sup> Дадабоев Х. Амир Темур ҳарбий маҳорати. Т., “Ёзувчи”, 1996, 26-бет.

Ироқ ва Шом (Сурия) устига қилинган юришлар натижасида бу мамлакатларда кўпдан давом этиб келаётган феодал тарқоқлик ва маҳаллий урушларга барҳам берилиб, тинчлик ўрнатилди. Натижада, Чингизхон хуружидан бери Хитой, Корея ва бошқа шарқ мамлакатлари билан Ўрта ер денгизи ҳавзасида жойлашган мамлакатлар ўртасида асрлар давомида давом этиб келган савдо ва маданий алоқалар қайтадан тикланди.<sup>1</sup> Амир Темур Буюк Ипак йўлини қайта кашф этди.

Амир Темур нафақат миллатнинг ғуруригина эмас, қолаверса дунёдаги буюк шахслар орасида ҳам ўз ўрни ва бекиёс мавқега эга. Собик Шўроларнинг тарихга европацентризм, синфий, атеистик ёндашуви натижасида Темур шахсига нисбатан кўплаб ноҳақ ёндашувлар тизими қарор топган эди. Ваҳоланки ўрта аср, янги давр ва энг янги даврдаёқ Темурнинг жаҳон тарихи олдидаги хизматлари юксак даражада эътироф этилган эди. Бу Амир Темурга машҳур тарихий шахслар томонидан берилган холис баҳоларда намоён бўлади.

#### **Амир Темур ҳақида тўғри ва холис фикр билдирган тарихчи олимлар :**

1. АЛЬФОНС де ПАМАРТИ: (француз тарихчиси) «Дин, тиббиёт тарих, ҳуқуқ ва астрономия соҳаларида Амир Темур ўта билувчи эди. Кўп ўқиган. Осиёнинг энг унумли уч (турк, араб, форс) тилини жуда мукамал билган қудратли ҳуқумдор эди... Оврўпа, Искандар, Аттила ва Москва зафарини қучган янги фотиҳ Наполеонда бундай даражали бир завқ ва идорани кўрган эмас», - дейди.
2. Л.ЛЯНГЛЭ: (Фаранг тарихчиси) «Темур олимларга илтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди.

---

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. - Т.:Шарқ, 1990, 65-бет.

Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берар эди», - деб ёзади.

3. ИБН ХАЛДУН: (Суриялик араб тарихчиси ва мутафаккири) – «Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу, Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди», - деган фикр юритади<sup>1</sup>.
4. АЛИШЕР НАВОИЙ: «Темур Қураган... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни ондок хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор» (Мажолис ун-нафоис»дан) – дейди.
5. ХЕРМАН ВАМБЕРИ: (Венгер шарқшуноси) «Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундай ҳам билса бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси) ни ва балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди», - деб ёзади. «Бухоро ёхут Мовароуннахр тарихи».
6. ШЛОССЕР Ф. (немис тарихчиси): «Умрини юришларда ўтказган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб турар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этар эди. Бу қонунлар татар мўғуллари томонидан қилинадиган ваҳшийлик, шафқатсизлик ва вайронагарчиликларга ҳайрон қоларли даражада қарши турар эди»– дейди.
7. ЛОГОФЕТ Д.Н.: (Бухоро амирлигини яхши ўрганган олим) – «Оврупада конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда унинг давлатида қонунлар мажмуаси мавжуд бўлган, унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлган, ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган» – деб ёзади. (Бухоро тоғлар ва текисликларида» номли асаридан).
8. Ду СЭНКСЙОН: (фаранг мухаррири) «Жаноби олийлари! Мана бир асрдан ошибдики, буюк Темурланг тарихи Оврупада маълум ва машҳурдир... яна шуни таъкидлаб ўтмоқ жойизки, бу улуғ зот ҳатто Македонский ва Цезардан ҳам устунроқ бўлган. Чунки Темур улардаги

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ, «Амир Темур тарихи», Тошкент, 1992, 227 –бет.

барча афзал (саркардалик маҳоратидаги) жиҳатларни қабул қилгани ҳолда, йўл қўйган хатоларини четлаб ўтган. Оқибатда, жаҳонгирлик ва зафар қозонишда Темур улардан узиб кетди», - деб ёзади. («Буюк Темурнинг тарихи» асарида). Бу асар 1678 йилда Нидерландиянинг Амстрдам шаҳрида чоп этирилган.

9. МУИНИДДИН НАТАНЗИЙ: «Амир Соҳибқирон илму ҳикмат аҳли ва фан арбоблари билан ғоятда улфатлашган эди. Уларни эъзозу иқром қилишда муболағалар кўрсатарди. Тарих китобларини эшитиш орқали умматлар насаби ва шарҳи ҳолларини, Турк, Араб ва Ажам подшоҳларини ва бу илмнинг бошқа тармоқларини жуда чуқур эгаллаган эди. «...яна унинг мажлисида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалалар баҳсида устунликка эришар, аксар ҳолларда у кўрсатган ечим асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида етарли маълумотга эга эди», - дейди. («Мунтоҳоб ут-таворихи Муиний» дан, «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаида» Т., 1997, 59-60 бетлар).
10. ИБН АРАБШОҲ: «Темурни етти иқлим соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган (зот), подшоҳлару султонлар жаҳонгири», - деб атардилар. («Амир Темур тарихи» 2 китоб, Тошкент, 1992-66 бет). «Темур одамларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди». (Амир Темур тарихи», 2 китоб, 69-бет). «Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди...» (Амир Темур тарихи» 2 китоб, 69 бет). «Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топиларди» .
11. Акад. Н.И.КОНРАД: «Ҳа мен янглишганим йўқ – Чингизхон авлоди бўлган ва уни емирмақчи бўлган Темурда Искандар ва Канишканинг руҳи

мавжуд эди. «Чингизийлар империяси», «Олмон миллатининг муқаддас Рим империяси» каби қадим замонлардан биринчи марта рўй-рост шаклланган, ўрта асрларда янги куч билан янграган оламшумул ғоянинг маҳаллий кўриниши эди. Буни Темур тушунармиди, айтиш қийин лекин унинг мазкур улуғ ғоя пайдо бўлган жойда камолатга етиши унинг идеалларида ўз аксини топмасдан қолмади» – дейди

12.. ИОНН ГРЕНЛО: (Амир Темур замондоши). «...Темурбек ... илми Қуръон ва илми фикҳда шунчалик забардасд эдики, ҳеч қандай мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмайди», - деган эди.

13. М.ИВАНИН: (рус тарихчиси) «... Тажрибали Амир Темур Осиёда 40 йил давомида олиб борган урушлари даврида машаққатли ва узок сафарларга пухта тайёрланишга одатланган, шубҳасиз, бу юриш учун ҳам у ўзининг бутун маҳорати ва тадбиркорлигини ишга солган эди. Ана шу сафар учун қилинган тайёргарлик тадбирлари ҳақида жуда кам маълумотга эга эканлигимиздан афсус қилишимиз керак»<sup>1</sup>..

14. ХЕРМАН ВАМБЕРИ: «Ўрта Осиёда турклик даври Темурдан бошланади. Чунки Хоразмшоҳлар ва салжуқийлар, гарчи маишат тарзи жиҳатдан турк бўлсаларда, улар ғарбий ислом, эрон, маданиятига мухлис эдилар, турк миллатининг ривожини учун жуда кам иш қилардилар. Нечоғки, ҳозирги Эрондаги турк-қожар хонадони ҳам шундайдир. Темур ўз туркларининг муғул-хитой дунёсининг устидан ғалабасини мужассам этди. У доимо ва ҳар жиҳатдан туркларга биринчиликни таъминлашга аҳд этди. Унинг саройи ажнабий уламолар ва ҳунармандлар билан тўла эсада, мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўлди. Ҳатто муғул, уйғур ёзуви – насронийлик, буддийлик, мажусийлик даври уларок мутаасиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрингани ҳолда, муҳофаза этилди». «Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шеvasида ёзар эди...» Шундай бўлса-

---

<sup>1</sup> Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т.: Фан, 1994, 199-бет.

да у ўз замонидаги расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг қатъий ва таклиф сўзларига қулоқ соларди»<sup>1</sup>.

15. ХИЛЬДА ХУККЕМ: (инглиз тарихчиси) «Темур бу ерда курраи замин айланаси етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Амир Темурнинг саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади» («Етти иқлим ҳукмдори» асаридан), - деган эди.

Чор Россияси мустамлакаси ҳамда совет мустабид тузуми йилларида ноинсоний сиёсат, миллий камситиш, зўравонлик, таъқиқ ва тазйиқлар туфайли миллатдошларимизнинг анча қисми хорижга муҳожирликка кетишга мажбур бўлди.

Муҳожир ўзбекларга дунёнинг турли мамлакатларида яшаш, тирикчилик қилиш осон кечмади. Уларнинг кўплари чегара постларида, адоғи кўринмайдиган табиати ва шароити ноқулай йўлларда, чет эллардаги оғир аҳвол каби омиллар туфайли бевақт ўлим топдилар. Хорижда ўз ҳаётини сақлаб қолган ўзбеклар Амир Темур сингари иродаси мустаҳкам, қатъиятли, ўз мақсади йўлида қийинчиликларга доимо тайёр тура оладиган буюк миллатдошларимиздан маънавий мадад олдилар.

Улар улуғ инсон Амир Темур номини ўзлари билан хорижнинг Гарб ва Шарқ дунёсидаги ўнлаб мамлакатларга олиб бордилар. Ўзбеклар маҳалла-маҳалла бўлиб яшаётган кўчаларга Амир Темур номи берилди. АҚШнинг Нью – Йорк шаҳридаги ўзбек кўчаларидан бири «Амир Темур» деб аталади.

Муҳожир Туркистонликларнинг зиёли вакиллари «Амир Темур» мавзусида ўз илмий изланишларида, китоб ва хотираномаларида, бадиий ижодларида алоҳида эътибор қаратдилар. Бошқирд миллати вакили бўлсада, Туркистон озодлиги учун курашларга раҳнамолик қилган. Ушбу минтақа тарихига оид 400 га яқин асарлар яратган Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890–1970 йй) темуршунослик соҳасида 30 дан ортиқ китоблар ёзди.

---

<sup>1</sup> Кароматов Х., «Темур тузуклари»ни Ўзбекистонда ўрганиш муаммолари (Темурийлар даври маданий ёдгор-ликлари), Т., 2003, 37-бет.

1914 йилдаёқ унинг «Турк ва тотор тарихи», «Амир Темурнинг аскарӣ фаолияти» китоблари чоп этилганди.<sup>1</sup> А.З.В.Тўғоннинг Туркия Республикасидаги Истанбул университети «Умумтурк тарихи» кафедрасида мудирлик қилган даврида чоп этилган «Темур ва унинг ўғиллари», «Темурнинг 1395 йилда Украина ва шимолий Кавказдаги юришлари», «XIX асрдан ҳозирга қадар бўлган мустамлака даврида Осиё тарихи» каби китобларида Амир Темур шахси ва фаолияти ўзининг ҳақиқий тарихий баҳосини олди.

Олим Амир Темур ва темурийлар даври тарихига, Туркистон ўтимишига бағишланган ҳар бир асариди салмоқли саҳифалар ажратган. Жумладан унинг «Умумтурк тарихига кириш», «Куръон ва турклар» номли йирик тадқиқотларда, «Мир Алишер» рисоласида Амир Темур ва темурийларнинг илм – фан ва жаҳон маънавияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси тарихий далиллар орқали ёритилган. Туркия Республикасида муҳожирликда яшаган Аҳмад Яссавий авлодларидан Шаҳобиддин Яссавий 1984 йилда Истамбулда ўзининг 173 саҳифали «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» номли китобини чиқарди. Мазкур китобнинг бошланиш қисмида Туркистондан чиққан 20 та буюк шахснинг қиёфаси ва улар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилади. Бу тўғрида муаллиф: «Китобимизнинг бош саҳифаларида турк буюклари ва машҳур сиймолардан бугунги ва келажакдаги турк насли учун ўтмишдаги боболар биродарлик, ғайрат, шижоат, бирлик ва илм дунёсида қилган буюк хизматларини мухтасар шаклида хотирлаб бу саҳифалардан ўрин бериб яхшироқ эслатмоқни лозим кўрдим»<sup>2</sup> - деб ёзади.

Ш.Яссавий китобининг 20 саҳифаси Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган. Амир Темур қиёфаси акс эттирилган ҳамда унинг қисқача ҳаёт йўли ва фаолияти баён қилинган. Муаллиф: «Амир Темур давлат арбоби,

---

<sup>1</sup> Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон; Т.:2006, 61 - бет

<sup>2</sup> Шаҳобиддин Яссавий «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» Истамбул; 1984, 5-бет.



маданият ҳомийси ва ҳимоячиси, тарихга молик буюк инсон бўлишга тегиш»<sup>1</sup> - деб қайд қилади.

Фикримиз интиҳосида қуйидаги хулосаларга келинди.

- Собиқ совет мустабид тузуми йилларида Амир Темур «босқинчи», «зулмкор», «қонхўр» деб асоссиз таҳқирланиб келинган бир даврда хориждаги ўзбек зиёлилари ушбу шахсни миллатпарвар буюк саркарда, озодлик учун курашга улуғ даҳо сифатида ардоқлашган.
- Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид муҳожир ўзбеклар илмий ҳамда бадиий соҳада бир қатор асарлар яратдиларки, уларнинг айримларини Ўзбекистондаги нашрларда чоп эттириш “темурунослик” ривожига хизмат қилган бўларди.
- Чет эл ўзбекларининг матбуот органлари тарихини мукамал ўрганиш, улардаги Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид маълумотларни тўплаш ҳам ижобий натижалар берди.

---

<sup>1</sup> Шаҳобиддин Яссавий «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» Истамбул; 1984,20-бет.

### 3.3. Амир Темур сабоқлари.

Буюк соҳибқироннинг мураккаб ва шарафли ҳаёт йўли, серқирра фаолияти замондош ва кейинги авлод тарихчилари томонидан бир қатор асарларда акс эттирилган. Айниқса, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарларида, Абдураззок Самарқандийнинг "Матля- ус-саъдайн...", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" китоблари ва бошқа манбаларда Амир Темурнинг тўғрилиқ, меҳр ва муруватлиқ, элу юрт қайғуси билан бандлиқ, адолатлиқ, донишмандлиқ, душманга шафқатсизлиқ, қатъиятлиқ, дину диёнатга чорлаш ва бошқа инсоний жиҳатлари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд.

Шу маънода Амир Темурнинг "Тузуқлари"и бу улуғ инсоннинг ички оламини, дунёқарашини, ҳаётдан олган сабоқларини қандай талқин этганини, муҳим қарор ва хулосаларга келишдан оддин у ёки бу муаммонинг энг тўғри ечимига олиб борувчи омилларни тўғри белгилаш қобилиятини яққол намоён этади. Биз қуйида айни "Темур тузуқлари" ва бошқа бир қатор манбалардан Амир Темурнинг буюк даҳосини яққол кўрсатувчи мисолларни келтириб, уларнинг умумбашарий маънавий мулк сифатидаги аҳамиятини имкон қадар таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

#### **Давлат бошқаруви масалалари:**

Давлат ишларининг тўққиз улуши машварат, кенгаш ва тадбир, қолган бир улуши қилич билан бажо тқелтирилади. Бу фикрдан аён бўладики, Амир Темур муаммоларнинг ҳарбий ечимини биринчи ўринга қўймаган. Ўз навбатида бу соҳибқироннинг жангу жадал қилишга, бекорга қон тўкишга руҳан қарши бўлганини кўрсатади. Тарихдан маълумки, Амир Темур ҳар гал ҳарбий юришлари олдида рақиб томонга муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан мактублар орқали таклифлар йўллаган. Ҳарбий ҳаракатлар эса, мамлакат бутунлиги, стратегик манфаатлар ҳавф остида қоладиган ҳолларда охириги чора сифатида амалга оширилган.

“Султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар бўлсин. Ҳукмдорнинг адолатлилиги жамиятнинг ризоси учун муҳим”,-дейилмоқда. Амир Темур ўз фикрини давом эттириб, агар подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир бунинг чорасини топсин, токи жабр юмшасин, эл норизо бўлмасин. Демак, подшо сиёсат юзасидан давлат манфаатини кўзлаб қатъият кўрсатса, оқибатда бундан ортиқча жабр юзага келса, бу вазиятда омманинг норозилиги келгувси ишларда зиён келтириши кўзда тутилган.

Подшоҳ ҳар ишда ўз қарорида қатъий бўлсин.. .унинг ҳукми (албатта) жорий этилиши лозим. Акс ҳолда салтанатда подшоҳ амрининг обрўси кетиб қолади.

Подшоҳ салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгилга тугиб қўйсин ва керак ўрнида ишлатсин. Амир Темур машварат қондасига қатъий амал қилган. Айтилган фикрларни киёслаб, улар орасидан энг мақбулларини ажратиб ола билган. Бироқ ҳар қандай оқил маслаҳатни ҳам ўзининг кўнглидаги таҳлилий хулоса билан солиштириб, сўнгра умумий хулосага келган. "Тузуклар"да бу ҳақда алоҳида таъкид ҳам бор.

“Давлат уч нарса билан — ҳокимият, ҳазина ва лашкар билан тирикдир. Буларни тадбиркорлик билан яхши тутмоқ, саранжом ушламоқ лозим<sup>1</sup>.”

### **Ўз юртига ва подшосига садоқатни қадрлаш**

Ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Бу айтимнинг маъноси алоҳида эътиборга лойиқ. Зеро, душманга менсимасдан қараш зарарли. Душманлигидан кўра кўпроқ ўз бурчига садоқати унга қарши жанг олиб бораётган аскарларда ўз Ватани олдидаги бурчни эслатиб туради.

Амир Темурнинг ушбу фикри Султон Боязидга Анқара жангидан кейин кўрсатган илтифотида яққол намоён бўлган.

---

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари – Т.:Шарқ, 2001, 34-бет.

Ёши улуғ кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар. Уларни салтанат устунлари деб билсинлар. Улардан кейин ўғилларини ўринларига ўтказсинлар. Бу фикрда тарбиянинг ворисийлигига ишонч ифода топган.

**Вазирлар, уларга юкланган маъсулиятга лойиқлик масаласи доимо Амир Темурнинг диққат марказида бўлган.**

Асли тоза, насли пок улуғ зотлардан бўлган кишилардан топиб, вазир қилинлар. Чунки асли тоза киши хато қилмайди, асли нопок эса вафо қилмайди. Бу ўринда пок тийнатлилик, ҳалоллик, инсофу диёнат устуворлиги ҳақида гап бормоқда. Давлат манфаатларини виждонан ҳимоя қилиш вазирнинг асосий бурчи экани таъкидланмоқда.

**Дўстлик ва душманлик масалаларида қандай йўл тутмоқ масалалари ҳақида.**

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик қил мурувват кўрсат.

Душман сендан мурувват ва хайру эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг ҳукмига топшир.

Чин дўст шулдирким, дўстидан ҳеч қачон ранжимамайди, борди-ю, ранжиса, узрини қабул қилади.

**Амир Темур фаолиятида эътиқод, дину диёнатга, адолатга маънавий етукликнинг мезони сифатидаги муносабат алоҳида ўрин тутган:**

“Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.”

Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар.

**Амир Темур ободончилик, хўжалик ишларининг тўғри йўлга қўйилишида мамлакат ҳаётининг барқарорлигига қафолат борлигига қаттиқ ишонган.**

Катта-кичик шаҳар ва қишлоқларда масжиду хонақоҳлар курсинлар, фақир мискинларга лангархоналар барпо қилсинлар, касаллар учун шифохоналар курсинлар, табиблар тайинласинлар.

Азиз авлиёлар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларини зиёрат этмоқни ҳам қарз, ҳам фарз билур эдим.

Хароб бўлиб ётган ер эгасиз бўлса холиса(давлат) томонидан обод қилинсин, агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қудрати ва маблағи етмаса, унга керакли асбоб, улов, уруғлик ва бошқа зарур нарсалар берилсин, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Бу кучли ижтимоий ҳимояга асосланган давлат қуришнинг тарихан такомиллашиб бориши йўлидаги ислоҳатлардан эди.

Амир Темур миллий давлатчилигимизни такомиллаштириб марказлашган йирик давлат ташкил этиб, ўз фаолиятида диний Ислому ва илмий тасаввуф амалиётида ғайри динларга ҳурмат, бошқа халқлар анъана ва эътиқодларга кенг йўл бериб, буюк олиму-уламолар васиятларига қатъий риоя қилган ҳолда диний толерантлик воситасидан унумли фойдаланиб сиёсат юргизган. Амир Темур диний толерантизмни Имом Мотрудийнинг мувозанат таълимотини, диний тотувликни, жамиятдаги кескин вазиятни юмшатишни мукамал ўзлаштириш қобилятига эга бўлган ҳукмдор эди. Халқ манфаати ва тинчлиги, осойишталигини сақлашда бирон ёрдами, нафи тегадиган ишларда ҳар қандай услублардан фойдаланган салтанат эгаси эди. Амир Темур нафақат диний муносабатларда балки халққа, Тангри таоло бандаларига ижтимоий жараённинг ҳамма соҳаларида фойда, наф, яхшилик қилишни, тотувлик, ҳамкорликда яшашни ташкил этишни давлат сиёсати даражасига кўтарган. Бу ҳозирги замон тили билан айтганда амалий толерантликдир.

Амир Темур илмий тасаввуф тариқатига доир толерантликнинг амалий жараёнига боғлиқ бўлган, ўзининг бевосита ҳаётий фаолиятига алоқадор яна бир мисолни келтиради. «Шу сабабдан, халққа ёрдаму мадад мақсадида, мен ҳам Туклуғ Темурнинг ўғли Илёсхожага вазирлик ҳамда сипоҳсолорлик қилишга рози бўлгандим. Тангри таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан

бўлса керакки, Оллоҳ таоло мени салтанат мартабасига етказди»<sup>1</sup>, - деб ёзади.

Илёсхожага вазир бўлиб хизмат қилишга қанчалик оғир бўлсада, вақтинчалик вазир бўлиб, мувозанатни сақлашга, тотувлик билан мураса қилиб қулай вазиятни кутишга сабр-тоқат билан, халқи мустақиллигини кўлга киритиш учун куч тўплаши, вақтни кутишини ҳисобга олиб иш тутганлиги фикр қилиб, хулоса қилишга буюк Соҳибқирон мустақил марказлашган давлатни ташкил этишдан олдинроқ нафақат диний, балки кенг маънодаги ижтимоий-сиёсий толерантликнинг амалиёти асосида фаолият кўрсатганлигининг гувоҳи бўламиз. Амир Темур ёшлигиданок диний эътиқодларга жиддий қараган. Ислом дини, илмий тасаввуф тариқатини яхши билган, уни ҳаётга тадбиқ этишга, динлараро ҳар қандай низоларга барҳам бериб мураса, тотувликда бўлишни амалга оширишга ҳаракат қилган. Унда бу туйғу ва ғоянинг пайдо бўлиши, кучли ижтимоий характерга эга бўлишлиги ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳити кучли таъсир этиб, муҳим рол ўйнаганлиги тарихий ҳақиқатдир. Чунки у бу ғоявий мақсадни мадрасадан, ҳаётий тажрибани турмушнинг аччиғи-лаззатидан, оғиру-енгилидан, эркинлик ва қарамлик, адолат ва зулмдан, босқинчлар ҳаракатидан ўрганиб кучларни бирлаштириш, муросавий тотувликни, халқ ўртасида кенг тарғибот қилиш халққа тушунча билан айтиладиган бўлса ижтимоий-сиёсий толерантликни тушунтиришга жиддий киришганлиги, ушбу мақсадга эришиш учун ёшлигидан фаолият кўрсатганлигидир<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган мисолларнинг ижтимоий ва сиёсий кўлами шу қадар кенг экани Амир Темурнинг ҳукмдор сифатидаги улуғворлигидан далолатдир. Сўзимизни Соҳибқироннинг қуйидаги ибратлари билан яқунлаймиз:

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Шер йигитни номус ўлдиради.

<sup>1</sup> «Темур Тузуклари», Тошкент, 1991, 76-77 бетлар.

<sup>2</sup> Ш. Ахадов, Т. Эгамов. Амир Темурнинг интеллектуал салоҳияти. СамДУ, 2004, 32-бет.

Адоват эмас, адолат енгади.

Билаги зўр бирни йицар, билими зўр — мингни.

Дўстлик синовда чиниқади.

Мамлакатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир (Фарзандларга насихат). Ушбу даъваткор сўзлар бундан қарийб етти аср илгари эмас, балки ҳозир ҳам долзарб жаранглаб тургандек. Амир Темур ибратининг абадий барҳаётлиги шундадир. Бу панду насихатлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига даҳлдор ҳолда маънавият мулкининг дурдоналари бўлиб қолаверади. Шубҳасизки, Соҳибқирон бошлаб берган бундай бунёдкорлик ишлари анъанага айланади ва кейинги даврларда Амир Темур ворислари, нуфузли давлат арбоблари, амирлар томонидан давом эттирилади.

Ҳозирги кунда мухтарам Президентимиз Ислом Каримов томонидан юртимизни ораста, гўзал, кўркам юртга айлантириш ишлари бутун мамлакатимиз бўйича олиб борилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам тарихий бинолар шарқона орасталик билан таъмирланмоқда, янги кўркам бинолар қад кўтармоқда, бульвар-парклар, гузару-гўшалар, маҳаллаю-жамоат жойлари, оромгоҳлар, кўллар, арику-каналлар таъмирланмоқда, янгилари қурилмоқда. Кўчалар, маҳаллалар, гўзарлар атрофлари тозаланиб, гуллар, майсалар, ниҳоллар экилмоқда, турли рангдаги фавворалар қурилмоқда. Бу салоҳиятли, фазилатли ишларда нафақат ўқитувчию-талабалар, раҳбар-ҳодимлар, балки Ватан ишқида ёнган ғурурли, ифтихорли, ўз мамлакатига жон фидо қилишга тайёр ҳар бир фуқаро иштирок этмоқда. Ҳар бир фуқаро ҳеч бўлмаса биттадан ниҳол, гул экиши, ўз уйи, ҳовлиси, кўчаси, гўзари, бозори, савдо масканларини, маҳалласини тоза, кўркам, озода сақлашни ўз вазифаси деб билиши зарур. Бу эса юрт, Ватан олдидаги ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ва масъулиятидир. Шундагина ҳаммамиздан мамлакатимизда яшаб ўтган улуғ зотлар, авлиё-ю-пирларимизнинг руҳлари кўллаб-қувватлайди, уларнинг руҳлари шод бўлади, ишимизга омад беради, оиламизга қутъу-барака ато этади. Шундагина улуғ Соҳибқироннинг Ватан муқаддаслигини эъзозлаб, орасталик, кўркамлик, гўзалликни сақлашдек орзу-

умидларни амалга оширишдек мақсадларига ўзимизнинг муносиб хиссамизни қўшган бўламиз.

Амир Темурнинг кўп хусусиятлари ёшларга ибратлидир, яхши фазилатларга эришмоқчи бўлган одам ёшлигиданоқ инсоф, адолат, иймон, эътиқод каби тушунчаларни доимий ҳаётий зарурат деб билиши ва унга амал қилиши лозим” Муомала ва мураса шахсинг юксак ахлоқийлигидан далолат беради. Чунки бу икки тамойил бағрикенглик, олижаноблик, виқорлик каби сифатларга эга бўлишни тақозо этади. Бизнинг назаримизда, айнан муомала ва мураса Амир Темур номини шукуҳли ва шавкатли номга айлантирган.

Амир Темур ўз атрофига тарбия кўрган “асли тоза, ақл- фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди – кетини ўйлаб иш тутадиган кишиларни”йиққанини ёзади. Бундай кишиларнинг ишончга сазовор бўлиши табиийдир. Бу борада ҳам Амир Темур ибрат бўла олади. Бугунги кунда ҳам Амир Темурнинг адолат ҳақидаги ҳикматлари, унинг инсонпарварлиги халқимиз ҳаётидан чуқур ўрин эгалламоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрининг марказида бунёд этилган Амир Темур ҳайкали, унинг ёнидаги музей халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоқда. Амир Темур ҳайкалида рамзий маъно мавжуд. Унда Амир Темур гўёки, жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди. Қиличсиз қўлини олдинга чўзиб жаҳон халқларига омонлик тиламоқда. «Куч адолатдадир»- демоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли Амир Темурнинг ҳикматларига амал қилган ўзбек халқи адолат машъаласини баланд кўтариб, унинг нуридан баҳра топиб, Ватан боғини обод қилиб, тинч ва осайишта ҳаёт кечирмоқда. Мамлакатда ҳуқуқий, адолатпарвар жамият қурмоқдалар.



## ХУЛОСА.

Амир Темур нафат буюк давлат асосчиси, истеъдодли саркарда, қолаверса, юксак маънавият соҳиби бўлганлиги билан ҳам ажралиб турадиган соҳибқирон эди. Амир Темурнинг маънавий қарашлари «Темур тузуклари»да акс этганлигини кўрамыз. Шу боисдан ҳам мухтарам юртбошимиз И.Каримов,-«Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан» деб бежизга таъкидламаганликларини тушуниш мумкин.

Дарҳақиқат, Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканмиз, у ёшлигиданоқ ҳарбий санъатга меҳр кўйганлиги ҳамда уни эгаллашдаги мардлиги, жасорати билан ўз тенгдошларини лол қолдириб келган бўлса, исломий ва дунёвий таълим ва билимни ўрганишда зеҳнининг ўткирлиги, имон-эътиқодининг поклиги билан замондошлари орасида ажралиб турганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг замондоши машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур фаолиятини қанчалик танқидий ўрганмасин «У ёшлигиданоқ ақлли, очик кўнгил, журъатли, қатъий кучли ва қобилиятли бўлиб ўсди» деб тан олиб ёзган эди.

Амир Темур маънавиятига хос теранлик мазмунида ахлоқий нафосат, камтарлик, дўстлик, меҳр-мурувватлилик, жасорат ва мардлик, ишбилармонлик ва тадбиркорлик каби кўплаб фазилатлар инсоний ақлнинг устувор машъали бўлиб келди. Шунинг учун ҳам бутун жаҳонга машҳур буюк давлатни барпо этиш йўлида, у «куч адолатда» дир деган шиорни ўзининг бош мақсади деб билди.

Ўз миллатнинг дардларига дармон бўлиш тўйғуси билан яшаган Амир Темур донишмандларга хос фазилатлар ичида ҳайр-эҳсон ва меҳр мурувватликка хос ҳомийлик тушунчалари доимо етакчилик қилиб келди. У ўз салтанатининг ворисларига қолдирган панду-насихатларида,- «Адолат ва инсоф билан тангрини яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳқорга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим.

Хайр эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олдим», - дея уқтирган эдилар.

Амир Темур амал қилган ушбу ҳикматли фазилатлар неча асрлар оша ўз кадрини йўқотмай келмоқда. Айниқса, бугунги истиқлол кунларида мамлакатимиз фуқароларининг маънавиятини шакллантириш ва янада кўркамлаштириш борасида ҳам устувор аҳамият касб этиб келмоқда.

Дарҳақиқат, Амир Темур маънавиятининг исломий асослари Қурони Карим, Ҳадиси шариф, шунингдек, тавҳид, тавсир, фикҳ, тасаввуф, илмларини мазмунида Оллоҳга, Расулуллоҳ Набийи Ҳотамийга мажозий ва ҳаётий пирларига ихлоси, эътиқоди негизида шаклланади, қарор топади. У Нақшбандия таълимоти талаблари асосида янада мустаҳкамланди, ҳаётий мазмун олди.

Маълумки, Амир Темур ўз фаолиятида ўн икки тамойилга, ўз сўзида туриш, адолатли бўлиш, эркин ҳаракат қилиш, қатиятли бўлиш, ижрочи бўлиш, ўз вазифасини билиш, маслаҳатни ҳуш кўриш, яхши – ёмонни фарқлаш, саховатли бўлиш, аниқ ҳаракат қилиш, уддабурон бўлиш ҳушёр бўлиш тамойилларига амал қилган ва бизнинг назаримизда, мазкур тамойилларни унинг асосий тарбиявий қоидалари сифатида қабул қилиш мумкин. Амир Темурнинг таълимий ва тарбиявий ғоялари реал хусусиятларга эга эканлиги билан диққатни тортади. У кўп ҳолларда ўз малакаси ва тажрибасидан келиб чиқиб фикрлайди. Шу жиҳатдан унинг қарашларидаги таълим-тарбиявий ғоялар ҳаётий омилларга эга.

Амир Темур давлати герби пирлари тавсия этган ва ўзи танлаган уч халқадан иборат символлик шакли ниҳоятда кенг маънога эга бўлиб унда диний ҳақиқат, сиёсий куч-қудрат ва ижтимоий адолат каби чуқур мазмунли моҳиятни ўзида ифода этиб, турли мазмунда таърифлаб келинган, яъни Ибн Арабшоҳда «рости-расти» дейилиб, бу «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан», ёки Ҳерман Вамберида «Русту-рости» дейилиб - «куч адолатда» деган маънони англатиб, Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳақиқат ўрнатиш ифода этилган дейилган бўлса, академик И.М.Мўминов тарихчи Шарафуддин Али Яздий

фикрига асосланиб давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўрлигини таъкидловчи қоида» «Рости-друсти» бўлиб, «ҳақиқат сихат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат-адолат» демакдир деб таърифланганлигини уқтиради. Ушбу таъриф қандай бўлишидан қатъий назар Амир Темур инсон маънавий кадриятларининг ҳамма жабҳаларида диний ислом салоҳияти, давлатчилик сиёсати ва унинг куч-қудратини, ижтимоий жамиятда тўла инсоний адолатни ўрнатишни асос қилиб олиб уни амалга оширди.

Амир Темур салтанати худудидаги энг нуфузли олимлар ҳам йиғилган эдилар. Бу Амир Темурнинг маърифатпарварлигидан далолат. Темурнинг бевосита ғамхўрлигида юзлаб олимлар илму-фанда ижод қилганлар. Улар қаторида Саъуддин ат-Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Сайид Шариф Журжоний, Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий, Хожа Муҳаммад ал-Бухорий, Хожа Абдулмалик Самарқандий, Тожиддин ас-Салмоний, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдужаббор, Аҳмад Кирмоний, Хофизу Абру, Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хужандий ва бошқалар эди. Умуман олганда Амир Темур салтанатида замонасининг таниқли алломалари ҳисобланган дунёвий фанларнинг ҳамма тармоқлари бўйича илмий-тадқиқотлари олиб борган қарийиб 100 дан ортиқ олимлар, Ислом тасаввуфчилиги соҳасида ҳам Шарқда номи машҳур бўлган ўнлаб авлиёю-пирлар илоҳият йўлида самарали ибодатда бўлганлар. Самарқанд ўша даврда ана шундай буюк зотларнинг ижод марказига айланган эди.

Демократик-ҳуқуқий давлат кураётган халқимиз Ватанимиз тарихида ҳуқуқий давлат ҳақидаги тасаввур ва қарашларнинг юзага келиши ҳамда ривожланиши, унинг юридик манбалари, дунёвий ҳуқуқ ва қонунчилик масалаларини ҳам билишни истайди, албатта. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Темур тузукларини тарихий-ҳуқуқий тадқиқ этиш алоҳида долзарблик касб этади.

Темур тузукларида қайд этилишича, салтанат ишларида энг биринчи галда тўрт нарсага амал қилиниши лозим: 1. Кенгаш. 2. Машварату маслаҳат. 3.

Қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик. 4.Эҳтиёткорлик. Давлатни шакллантириш борасида эса у яна муҳим саналган тўрт устунга суяниб фаолият юритган: 1. Ислон ва шариат қоидалари. 2. Тўра ва тузуклар. 3.Хазина. 4. Раият ва аскар. Темур даврида қонунчиликда биринчи ўринда фуқаро манфаати тургани ҳамма замонлар учун аҳамиятли сабоқ. Зеро, иқтисодий жиҳатдан ночор давлат заифлашиб, емирилиб боради. Иқтисодий қудратни эса халқ яратади. Бунда адолатли қонунчиликнинг роли беқиёсдир. Амир Темур даҳосининг ёрқин қирраларидан бири ҳам унинг мазкур ҳақиқатни англай билганлиги ва амалда намоён қила олганлиги билан ўлчанади. Келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, Амир Темурнинг маънавий жасорати ва маънавий тамойилларга асосланган ислохотлари фуқароларимизда давлат ва жамият манфаатлари йўлида бунёдкорликка етакловчи намуна бўлиб қолади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати :**

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори // Тошкент ҳақиқати. - 1995 йил, 4 январ.
3. И. А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент. «Ўзбекистон» 1996.
4. Каримов И. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” 1-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон” 1996.
5. Каримов И.А. Амир Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир / Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмс куч. - Т.: Маънавият, 2008.
7. Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. “Халқ сўзи”, 2011 йил, 9 апрель
8. Клавихо Р.Г. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403-1406 гг. – М., 1990.
9. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Темуридов (1403-1406). Перев. Со староиспанского И.С.Мироковой. – М.: Наука . 1990.
10. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. А. Аҳмад., Ҳ. Бобобеков нашрга тайёрловчи. – Тошкент: Шарқ, 1997.
11. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи», Т., 1990.
12. Захириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Т., 1989.
13. Темур тузуклари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. Тошкент: Ғафур Ғулом. 1991.
14. Ибн Арабшоҳ, «Амир Темур тарихи», Тошкент, 1992.
15. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Ҳофизи Абрунинг “Зафарнома”га ёзган “Зайл”и –

- (“Илова”)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларни тузувчи О. Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
- 16.Амир Темур васияти. Т., Ғафур Ғулом . 1991.
  - 17.Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Т.:Шарқ, 2001.
  - 18.Аҳмедов Б. Амир Темур ҳақида ҳикоялар – Т., 1998.
  - 19.Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Т.: Университет, 1999.
  - 20.Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993.
  - 21.Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси. Т. Алишер Навоий, 2008.
  - 22.Ҳ. Зиёев. Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири. Т. Маънавият. 2008.
  - 23.Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти – Т.:Академия, 2000.
  - 24.Ртвеладзе Э. В,Сайдов А. Х. Амир Темур в зеркале мировой истории. Париж, 1996.
  - 25.Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умум назарий масалалар (давлат назарияси). – Т: Адолат, 2000, .
  - 26.Каримов С.К. Амир Темур ижтимоий-сиёсий таълимотининг асосий тамойиллари. Ўрта Осиё социологик фикрлари тарихидан (Ўқув кўлланма). – Самарқанд: СамДУ.
  - 27.Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва темурийлар салтанати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996.
  - 28.Ш. Аҳадов, Т. Эгамов.Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салоҳияти. СамДУ, 2004.
  - 29.Кароматов Ҳ., «Темур тузуклари»ни Ўзбекистонда ўрганиш муаммолари . Т., 2003.
  - 30.Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари – Самарқанд: Мерос, 1996
  - 31.Керэн Л. Амир Темур салтанати Т.: Маънавият, 1999.

- 32.Амир Темур тарихи.1-қисм.Тошкент. «Меҳнат» 1992 .
- 33.Амир Темур ўғитлари. –Т.: Ўзбекистон. 2007
- 34.Э.Юсупов.Фалсафа: (Ўқув қўлланма). Т.:Шарқ, 1999.
- 35.Эркаев А . Маънавият ва тараққиёт. Т. Маънавият, 2009.
- 36.Амир Темур ва Темурийлар даврида маданият ва санъат. Т. Шарқ, 1996
- 37.Амир Темур жаҳон тарихида – Т.:Шарқ, 1996.
- 38.Дадабоев Ҳ. Амир Темур ҳарбий маҳорати. Т., “Ёзувчи”, 1996.
- 39.Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур.Т.: Фан, 1994.
- 40.Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. Т.:Фан; 20007.
- 41.Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон; Т.:2006.
- 42.Шаҳобиддин Яссавий «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» Истамбул; 1984.
- 43.Бухоро хайъати Мустафо Камол пошо хузурида «Бухоро ахбори», 77 – сон, 1922 йил, 4 апрел (араб имлосида).
- 44.Элтар «Туркистон кўрбошиларига!» (Ёш Туркистон, 1930 йил октябр 11 – сон, 24 – бет, араб имлосида) .
- 45.Н. Ғойибов. Амир Темур давлати сиёсатининг асоси. “Амир Темур сабоқлари” илмий амалий анжуман материаллари. Т. Шарқ,1999.
- 46.Олтинов “Амир Темур маънавиятининг исломий асослари”, “Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни” мавзuidaги конференция материаллари. Тошкент, “Фан”, 1996 йил
- 47.А. Ўролов. Соҳибқирон қурдирган мақбара. // Тафаккур. 1996.
- 48.Ғулом Ғафур. Соҳибқирон ҳақиқати. // Тафаккур . 1996 ,№ 2.
- 49.З. Давронов. Амир Темурнинг давлатчилик низомномаси. // Тафаккур. 1996 № 1.
50. Исмоилов С. “Темур сабоқлари” Гулистон. 2001 й.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	2-7
<b>I БОБ. Мустақиллик ва Амир Темур</b> .....	8-22
1.1.Амир Темур қадри-қимматининг қайта тикланиши.....	8-13
1.2.Амир Темур олий фазилатлар соҳиби.....	14-22
<b>II БОБ. Амир Темур давлатининг мафкураси</b> .....	23-43
2.1. Амир Темур фаолиятида бунёдкорлик ғоялари.....	23-32
2.2. Амир Темур илм-фан ва маданият, санъат ривожини хомийси.....	33-43
<b>III БОБ. Адолат, қонун устуворлиги ,халқпарварлик Амир Темур бошқарувининг тамойили сифатида</b> .....	44-70
3.1. “Темур тузуклари” асарининг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти.....	44-54
3.2. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз.....	55-63
3.3. Амир Темур сабоқлари.....	64-70
<b>Хулоса</b> .....	71-74
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	75-77